

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Ўзбек тилшунослиги кафедраси

Мелиева Диёранинг

522100-Ўзбек тили ва адабиёти таълим йўналиши бўйича
бакалавр даражасини олиш учун ёзилган

“Абдулла Қодирий ва халқ тили”
(“Ўткан кунлар” романи асосида)

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий раҳбар:

Ш.Худойқулова

Гулистон - 2012

КИРИШ

Мозийга қайтиб иш кўриш хайрлик, дейдилар. Шунга кўра мавзунини мозийдан, яқин ўткан кунлардан, тарихимизнинг энг кирлик, қора кунлари бўлган кейинги “хон замонлари”дан белгуладим.

Абдулла Қодирий (Жулқунбой)

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги.

Ўзбек романчилигининг асосчиси, атоқли сўз устаси А.Қодирий тилимизнинг лисоний имкониятларидан унумли ва самарали фойдаланиб, ўлмас асарлар яратди. Адиб асарларининг умрбоқийлиги, биринчидан, воқеликни бадиий усулларда ҳаққоний акс эттириш бўлса, иккинчидан, она тили захирасини юксак маҳорат билан ишга сола билганлиги, сўз ва фикр уйғунлигига эриша олганлиги, сўзнинг эстетик қудратини намойиш қила олганлигидадир. Қодирийнинг сўз қўллаш маҳорати беқиёс даражада юксак бўлиб, у бу жиҳатдан ҳам жаҳоннинг улкан сўз санъаткорлари қаторида туради. Адибнинг лисоний ифодалардан фойдаланиш маҳоратини илмий ўрганиш эса ўзбек тили имкониятларини очиш ва талқин қилиш масалалари билан уйғунлашиб кетади.

“Биз аجدодлардан авлодларга ўтиб келаётган бебаҳо бойликнинг вориси сифатида она тилимизни асраб-авайлашимиз, уни бойитиш, нуфузини янада ошириш устида доимий ишлашимиз зарур”, - деган эди Президентимиз “Юксак маънавият-енгилмас куч” китобида. Тилнинг барча имкониятларини, нафислигини, гўзаллигини, жозибасини намоён этадиган, кишиларнинг маънавий оламини юксалтирадиган энг муҳим омиллардан бири бадиий адабиётдир.

Адабиётда тил, ритм, оҳанг, композиция ва бошқа воситалар орқали бадиий образ яратилар ва образ яратиш жараёнида, хусусан, бадиий нутқ ҳал қилувчи аҳамият касб этар экан, адабий асар тилини алоҳида эътибор

билан ўрганиш тақозо қилинади. Чунки бадиий тил хусусиятларини дурустроқ ўрганмай туриб, адабий асар табиатини тўғри тушуниб бўлмайди. Бизга маълумки, мумтоз адабиётимизнинг бадиий тил бойликлари етти қават осмондек юксак. Бу юксакликларга етиб бориш ва улардаги маънолар хазинасини очиш осон эмас. Айниқса, Абдулла Қодирий, А.Қаҳҳор каби адибларимизнинг асарларидаги теран маъноларни тушунишда олим ва адибларимизнинг оммабоп таҳлил ва талқинларга эҳтиёж сезадилар. Тил тарихи эл тарихи билан чамбарчас боғлиқ.

XX аср ўзбек адабий тилининг умуммиллий адабий тил даражасига кўтарилиши ва ривожланишида ўзига хос давр бўлди. Ўзбек миллий онги, тафаккури, дунёқараши, адабий тили, адабиёти ва маданиятининг шаклланиши ва тараққий этишида бадиий адабиётнинг ўрни беқиёсдир. Чунки адабий тилнинг ривожини учун бадиий адабиёт тили энг бой манба бўлиб хизмат қилади.

Ҳозирги ўзбек адабий тилининг бадиий мукаммалликка, миллий характерлар яратишдаги ўзига хосликка эришишида сўз санъаткорларининг машаққатли хизматларини алоҳида таъкидлаш лозим. Шу боис уларнинг асарлари тили ва услубини лингвистик жиҳатдан ўрганиш бугунги кунда муҳим аҳамиятга эга. Зеро, «ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккур ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий боғлиқлик тил орқали намоён бўлади. Буюк маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний сўзлари билан айтганда, «Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадурган ойинаи ҳаёти тил ва адабиётдур. Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмакдур». [4,5]

Мустақиллик шарофати билан миллий қадриятларни, бой маънавий бойликларни ўрганишга кенг йўл очилди. Давлатимиз раҳбари И.А.Каримов ўзининг барча чиқишларида ҳам тарихий ва маънавий соҳаларга катта эътибор қаратмоқда: «Ҳурфифрелик, виждон ва дин

эркинлиги қоидаларини қарор топтириш. Бир дунёқарашнинг яккахокимлиги янгиланган жамиятга ётдир. Ҳар бир инсон ўз эътиқоди ва динига амал қилиш, ўзининг диний маросимларини бажо келтириш ҳуқуқига эга. Бугунги кунда дин барча иллатлардан, ёлғон ва риёкорликдан покланишга, юксак ахлоқий негизлар ва маънавий фазилатларни қайта тиклашга кўмаклашмоқда. Ислом - ота-боболаримизнинг дини-мусулмонларнинг онги, туриш-турмушининг моҳияти, ҳаётининг ўзидир...». [1] Шунга кўра ҳам биз танлаган мавзунинг долзарблиги ўз-ўзидан англашилади. Умуман олганда, А.Қодирий асарларида диалектизмларнинг қўлланилишини ўрганиб чиқиш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидандир.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Ишнинг асосий мақсади Абдулла Қодирий асарларида диалектизмларнинг қўлланилишини ўрганиб чиқиш ва тил жиҳатидан тадқиқ этиш, ана шу асосда А.Қодирий асарларининг бадиий тил маҳоратини очиб бериш, адибнинг ҳозирги ўзбек адабий тилининг шаклланишидаги ва равнақ этишидаги хизматларини ёритишдан иборатдир.

Тадқиқотнинг вазифалари. Тадқиқотда кўзда тутилган асосий мақсадга қуйидаги вазифаларни бажариш орқали эришилди:

-XX аср бошларидаги социолингвистик жараённи очиш ва унда Абдулла Қодирийнинг иштирокини аниқлаш;

- Ҳозирги ўзбек адабий тили меъёрларининг шаклланишида ва адабий тилнинг бойишида Абдулла Қодирийнинг хизматларини белгилаш;

-Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романи тилини ўрганиш орқали унинг бадиий тил маҳоратини очиб бериш;

- Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романида диалектал сўзларнинг қўлланилишини ёритиш;

Тадқиқот методи. Масалани ўрганишда ўзбек тилшунослиги анъаналарига риоя қилинди. Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романида диалектал сўзларнинг қўлланилишини ёритиш.

Тадқиқот материали. Тадқиқот материали А.Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романида қўлланган диалектал сўзларнинг қўлланилишини ёритиш..

Тадқиқотнинг ўрганилиш даражаси ва назарий-амалий аҳамияти. А.Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романи илмий иш устида изланиш олиб бораётган тадқиқотчиларнинг диққатини ўзига жалб қилиб келган. Бажарилган ишларнинг кўпчилиги адабиётшунослик йўналишида бўлиб, асосан, ёзувчининг маҳорати, романнинг бадиий хусусиятлари ва таҳлилига бағишланган.

А.Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романининг тил хусусиятларини тадқиқ этишга бағишланган ишлар жуда кам бўлиб, улар ҳам асардаги фразеологизмлар ва мактубларнинг луғавий-маъновий ҳамда услубий томонларини очиб беришга қаратилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги.

-Абдулла Қодирийнинг ҳозирги ўзбек адабий тилининг шаклланиши ва ривожланишидаги хизматлари аниқланди;

- Абдулла Қодирийнинг сўз қўллашдаги бадиий тил маҳорати ёритилди;

- А.Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романида диалектал сўзларнинг қўлланилиши ёритиб берилди;

Тадқиқотнинг тузилиши. Ишнинг умумий тавсифи, кириш, икки асосий боб, умумий хулосалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

1 BOB

1.1.Адабиётлар таҳлили.

Дунё тилшунослигининг ҳозирги ҳолати, жамиятимизда юз бераётган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар, бошқа фанларга бўлгани каби, ўзбек тилшунослиги олдига ҳам янги вазифаларни қўймоқда. Президентимиз И.Каримов “Юксак маънавият-енгилмас куч” асарида алоҳида таъкидлагандек, “айниқса, фундаментал фанлар, замонавий коммуникация ва ахборот технологиялари, банк-молия тизими каби ўта муҳим соҳаларда она тилимизнинг қўлланиш доирасини кенгайтириш, этимологик ва қиёсий луғатлар чоп этиш, зарур атама ва иборалар, тушунча ва категорияларни ишлаб чиқиш, бир сўз билан айтганда, ўзбек тилини илмий асосда ҳар томонлама ривожлантириш миллий ўзликни, Ватан туйғусини англашдек эзгу мақсадларга хизмат қилиши шубҳасиз.” Юртбошимиз томонидан белгилаб берилган она тилимизни маънавий бойлигимиз сифатида авайлаб-асраш, бойитиш, ундан амалий фойдаланиш самарадорлигини ошириш, қўлланиш имкониятларини кенгайтириш вазифалари тилшунослар олдига ҳам аниқ талабларни қўйди. Айтиқса, миллатимиз фахри бўлган атоқли сўз санъаткорлари бадиий маҳорати натижаси ўлароқ янги-янги қирраларини намоён қилган лисоний воситаларни ҳар томонлама ва чуқур ўрганиш долзарб тус олмоқда.

Ўзбек романчилигининг асосчиси, атоқли сўз устаси А.Қодирий тилимизнинг лисоний имкониятларидан унумли ва самарали фойдаланиб, ўлмас асарлар яратди.Адиб асарларининг умрбоқийлиги, биринчидан, воқеликни бадиий усулларда ҳаққоний акс эттириш бўлса, иккинчидан, она тили захирасини юксак маҳорат билан ишга сола билганлиги, сўз ва фикр уйғунлигига эриша олганлиги, сўзнинг эстетик қудратини намоиш қила олганлигидадир. Қодирийнинг сўз қўллаш маҳорати беқиёс даражада юксак бўлиб, у бу жиҳатдан ҳам жаҳоннинг улкан сўз санъаткорлари қаторида туради. Адибнинг лисоний ифодалардан фойдаланиш маҳоратини

илмий ўрганиш эса ўзбек тили имкониятларини очиш ва талқин қилиш масалалари билан уйғунлашиб кетади.

Адиб ҳақида унинг асарлари ҳақида адабиётшунос олим В.Раҳмоновнинг қуйидаги фикрлари диққатга сазовордир.”Абдулла Қодирий бугунги кун учун тарихий сиймо ва унинг “Ўткан кунлар” , “Меҳробдан чаён романлари худди А.Навоий романлари сингари адабий ёдгорлик мақомидадир. Адабий ёдгорликнинг ҳар бир сўзигина эмас, ҳар бир ҳарфи ҳам дахлсиз, асраш ва авайлашни талаб этадиган инжулардир. Абдулла Қодирийнинг ушбу романлари, асримизнинг йигирманчи йилларидаги ўзбек адабий тилининг сўз бойлиги, нафосати, ҳиди, товушлари оламини ўзида мужассамлаштирган бадиий обидадир. Гап шундаки, 20-йиллар ўзбек адабий тилида оғзаки ва ёзма нутқ бир-бирига ҳозиргига нисбатан ҳам яқинроқ экан. Ҳозир эса чунончи “ўткан-кеткан” деймиз-у, имлода “ўтган-кетган” тарзида ёзамиз ва ҳоказо. Романдаги воқеаларнинг XIX аср ўрталарида Тошкент ва Марғилонда кечганлигини ҳисобга олсак, асар тилининг XX асрнинг 90 йиллари имлосига мувофиқлаштиришнинг ўзи ғайримантикий бир ҳол эканлигини англаймиз. Асарни ўқиш жараёнида ўқувчи шунга амин бўладики, аслиятга садоқат ҳатто товуш йўсини , сўз ва гап қурилишига амал қилиш асар тилига ўзига хос шира, таъсирчанлик ва жозиба бағишлаган.Гўё биз А.Қодирийнинг ўз товушини тинглаётгандек бўламиз.Бу икки шоҳ асар матни ўзбек адабий тилининг 20-йиллардаги асл қиёфасини ўрганиш учун муҳим адабий манба бўлиб хизмат қилади”.(В.Раҳмонов)

Тил инсонлар орасида муомала-муносабат, алоқа қуроли. Кишилар ўзларининг жамият, табиат ва буюмлар ҳақидаги тушунчаларини тил орқали, сўзлар воситасида ифода қиладилар. Ҳар бир сўз бир тушунчани ифодалайди. Биз сўзлар орқали ўз фикримиз-тушунчаларимизни бошқаларга

баён қиламиз. Сўзларни ўзгартириш ва бир-бирларига турли усулларда қўшиш йўли билан мураккаб фикрларни ҳам тушинтириб бера оламиз.

Тилда кишиларнинг дунё ҳақидаги тушунчалари ифодаланади. Тил одамларни бир-бирлари билан алоқа қилишига хизмат қилади. Тил-мўжиза. Тил ва тафаккурсиз инсон яшай олмайди. Зеро, тил ва тафаккур туфайли инсоният ҳайвонот дунёсидан кескин ажралиб туради. Ҳазрат Навоий дейдилар:

Тангрики, инсонни қилиб ганжи роз,

Сўз била ҳайвондин анга имтиёз.

Дарҳақиқат, тангри инсонни сирлар хазинаси қилиб яратган экан, тил ато қилиш билан унга ҳайвонларга нисбатан имтиёз берган дейди, улуғ даҳо! Бу гапларда ҳикмат кўп. Инсоннинг қанақа инсонлиги тилидан билиниб туради. Тил инсонни кўкларга кўтариши ҳам, ерга уриши ҳам мумкин (**Т.Бобоев. Адабиётшунослик асослари 156 бет**)

Ҳозирги ўзбек адабий тили олдида турган энг долзарб масалалардан бири бадиий асар тилини тил жиҳатидан мукаммал ўрганишдир. Бадиий асар тилини чуқур ўрганиш ёзувчи ва шоирнинг бадиий маҳоратини ёритишнинг асосини ташкил қилади. Шу сабабли ҳам улкан санъаткорларнинг ҳаммаси бадиий асар тилига алоҳида эътибор қаратганлар ва бадиий асар тилини асарнинг асосий қимматини белгиловчи муҳим воситалардан бири деб ҳисоблаганлар.

Бизга маълумки, тил жамиятдаги кишилар орасида ўзаро алоқа қуроли бўлиши билан бирга, бадиий адабиётнинг асосий тасвирлаш воситаси ҳамдир. Чунки тилнинг бир неча вазифаси бўлиб, булардан энг муҳими унинг коммуникатив функцияси бўлса-да, бироқ унинг хабар бериш, айниқса, таъсир этиш функцияси ҳам жуда муҳим ҳисобланади. Бадиий адабиётда тилнинг ана шу таъсир этиш функцияси катта аҳамият касб этади. Бадиий адабиёт мана шу функцияни бажара олмайдиган тилсиз мавжуд

бўлмайди. Бошқача айтганда, тил ўзининг таъсир этиш функциясини бадий адабиётда намоёни қилади. Шунинг учун ҳам адабиёт сўз санъатидир. Тил воситаларидан санъаткорона фойдаланишгина асар баркамоллигини таъминлайди, ижодкор маҳоратини белгилайди.

Сўнгги вақтларда кундалик матбуот саҳифаларида эълон қилинаётган кўпгина кичик ҳажмдаги мақолалардан тортиб, йирик ёзувчилар ижодини монографик планда ёритувчи ва айрим жанрларнинг хусусиятларини, тараққиёт тарихини ўрганишга бағишланган илмий ишларда ҳам бадий асар тилини ўрганишга алоҳида эътибор берилаётганлиги ва бадий асар тилининг ёзувчи маҳоратининг таркибий қисми сифатида ўрганилаётганлиги бежиз эмас.

Бадий асарнинг китобхон ёки ўқувчи қалбига қай даражада таъсир этиши, ёқиб тушиши, одатда, бадий асар тилининг гўзаллиги, рангларга бой, ранг-баранг бўлиши, фикрни ифодаловчи гап ва сўзларнинг ўринли, мақсадга мувофиқ ишлатилиши, мақсадга фаол хизмат қилиши, фикрнинг ихчам ва кўпчиликка аниқ етиб борадиган тарзда тушунарли баён қилиниши сингари бир қатор муҳим хусусиятлари билан характерлидир.

Бадий асар тилини ўрганиш юзасидан қатор ёзувчи, танқидчи ва етук олимларимизнинг мақола ва илмий ишлари майдонга келди. Бу соҳада, айниқса, ўзбек тилшунослиги ва адабиётшунослигида назарий ва амалий ишлар рўёбга чиқарилган: атоқли олимлар, ижодкорлар бадий асар тили, тилнинг асарда тутган ўрни, аҳамияти, умуман тилга эътибор беришнинг нақадар зарурлигини таъминлашдан ташқари, шоир ва ёзувчиларнинг асарларини тил жиҳатдан чуқур таҳлил қилиб берганлар.

Кейинги пайтларда ўзбек тилшунослигида ҳам кўпгина сўз санъаткорлари, улкан адиблар асар тилини ўрганиш билан бевосита шуғулланиб, илмий мақолалар, диссертациялар ва монографиялар ёздилар. Жумладан, адабиётшунос ва тилшунос олимлар, танқидчиларнинг бу борада

қилаётган ишлари диққатга сазовордир. Масалан, тилшунослардан Х.Дониёров, Қ.Самадов, С.Мирзаев, И.Қўчқортоев, А.Шомақсудов, А.Хожиев, Р.Қўнғуров, М.Мирзаев адабиётшунослардан П.Қодиров, О.Шарофутдинов, адиблардан А.Қаҳҳор, Ойбек, С.Аҳмад кабиларнинг асарларини эслаб ўтиш лозим. Улар ўз асарларида бадий асар тилини, жумладан, А.Навоий, Муқимий, Абдулла Қодирий, С.Айний, Ҳ.Олимжон, Ғ.Ғулом, А.Қаҳҳор каби буюк санъаткорларнинг асарлари тилини ўрганиш юзасидан қимматли фикр ва мулоҳазаларини баён қилишган.

«Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романи, - дейди атоқли туркман ёзувчиси Хидир Деряев. – менинг ёш қалбимда унутилмас таъсир қолдирди. Бу таъсир натижасида менда бир фикр туғилди: Туркман халқининг ҳам шундай ўтмиши бор-ку, бу ўтмишдан мен ҳам бир роман ёзсам бўлмайдими?» Худди шундай ижодий таъсир туфайли ҳам адибнинг «Қисмат» номли романи битилди. Улкан адиб Ойбек бу ҳақда шундай дейди: «Абдулла Қодирий машҳур ёзувчи, ҳаммамиз қўлдан қўймай ўқийдиган ўзбек адабиётидаги биринчи улкан ва гўзал романнинг автори эди. У туғма эпик ёзувчи, кенг қўламдаги мастер, юксак маънодаги реалист санъаткор эди»

Бадий асар тилига муносабат, уни бадий-услубий жиҳатдан ўрганиш каби масалалар талқини узоқ тарихга эга бўлса-да, унга жиддий эътибор XX асрнинг 30-йилларида анча ортди. Олимлар бадий асар тилини ўрганишда икки аспект (лингвистик ва стилистик) мавжудлигини таъкидлайдилар. Академик В.Виноградовнинг фикрича, бадий адабиёт тилини тадқиқ қилиш тилшунослик ва адабиётшуносликка яқин, бироқ уларнинг ҳар иккисидан ажралиб турувчи махсус филологик фаннинг текшириш объекти бўлиши лозим.

Кейинги йилларда рус, жаҳон тилшунослари қатори ўзбек тилшунослигида ҳам бу масалага бағишланган қатор асарлар чоп этилди.

Академиклар Ғ.Абдурахмонов, А.Рустамов, олимларимиздан Р.Қўнғуров, А.Шомақсудов, С.Каримов, Ф.Насритдинов, Қ.Содиқов, М.Қодиров, И.Мирзаев, М.Мукаррамов, Г.Келдиёрова, Г.Рихсиева, Р.Нормуродов, Н.Жиянова, М.Абдулхайров, Ф.Бобожонов, А.Раҳимов ва бошқалар бадиий асар тилининг турли жиҳатларини ўргандилар.

Абдулла Қодирий асарлари тилини ўрганиш бобида ҳам айрим ишлар бажарилган. Академик И.Султонов ёзувчининг ижодини таҳлил қила туриб, унинг бадиий тилига аҳамият берган бўлса, Ф.Насритдинов ва Ҳ.Қаҳҳоровлар ёзувчи тилининг хусусиятларини махсус ўргандилар. Аммо ёзувчи асарларидаги шевага хос сўзларни алоҳида ва махсус тадқиқ қилишга етарли эътибор берилмай келади. Бизнингча, Абдулла Қодирийдек буюк ёзувчилар асарлари тилидаги ҳар бир сўз алоҳида ўрганилиши лозим. Чунки улар, ёзувчининг ўз тили билан айтганда, сўз сўзлашда улардан жумла тузишда узоқ андиша қилганлар, ҳар бир жумла, керак бўлса ҳар бир сўзни бадиий мазмун билан бойитганлар.

Абдулла Қодирий асарлари тили ҳақида адабиётшунос олимларимиз М.Қўшжонов, А.Собиров, А.Алиевлар ҳамда ёзувчи Ойбек ҳам ўз фикрларини билдирганлар.

Абдулла Қодирий асарлари тилига ўта талабчан бўлган. Шу ўринда Абдулла Қодирийнинг тил ҳақидаги мулоҳазаларини келтириш ўринлидир: “...Йўсинсиз равишда хотирага келган ҳар бир сўздан жумлалар тўқимок фазилят саналмайди. Сўз қолип, фикр унинг ичига қўйилган ғишт бўлсин, кўпчилик хумдонидан пишиб чиққан янги ҳаёт айвонига асос бўлиб ётсин. ... ва сўз сўзлашда улардан жумла тузишда узоқ андиша керак. Ёзувчининг ўзигина тушуниб, бошқаларнинг тушунмаслиги катта айб..., фикрнинг ифодаси хизматига ярамаган сўз ва жумлаларга ёзувда асло ўрин берилмаслиги керак”⁽⁵⁾

Бадий асар тилидаги ғализликлар, ортиқча такрорийлик, аниқроғи у ёки бу грамматик формадан, бадий тасвир воситаларидан ўринли, ўз вақтида фойдалана олмаслик ҳоллари китобхонни зериктиради, уни ҳақли равишда ранжитади. Бундан ташқари ҳар бир ижодкор халқ тилини, жонли халқ тили имкониятларини, маҳаллий аҳоли тилини чуқур ва ҳар томонлама билиши, ўрганиши зарур, акс ҳолда ижодкор яратган бадий асар хира, бачкана ва сунъий чиқиб қолади, кенг маънода, бундай асар халқчиллик хусусиятларидан маҳрум бўлади.

Шу ўринда таъкидлаш лозим, у ёки бу ёзувчи ўз асарининг тилини белгилашда, албатта, асарда халқ тилидан, халқ тилининг бой имкониятларидан қандай фойдаланиш, қандай янги сўзлар, қандай эскирган сўзлар ва иборалардан, грамматик формалардан фойдаланганини ёки фойдаланишни, халқ жонли тилига, қайси шевага хос сўзларни ва ибораларни ҳамда грамматик формаларни қўллашни олдиндан белгилаб олади ва ижодий жараёнда ана шунга алоҳида эътибор билан қарайди. Шу сабабли, бадий асарларни бир биридан кескин фарқловчи ҳодисалардан бири баъзи асарларда янги пайдо бўлган ёки истеъмолга кириб келаётган сўзларнинг – неологизмларнинг, баъзи асарларда эса экирган, истеъмолдан чиқиб кетаётган ёки кам қўлланилаётган сўзларнинг, аниқроғи, архаизмларнинг, деалектизмларнинг, тарихий сўзлар, яъни историзмларнинг кўплаб ишлатилишидир. Шунинг учун ҳам айрим асарларда грамматик синонимлардан, синонимик қаторлардан ўринли фойдаланиш қиёмега етказилган бўлса, айрим асарларда омонимлардан, омонимли иборалардан, полисемантик, кўп маъноли сўзлардан фойдаланиш ҳоллари ниҳоятда кучли бўлади. Ёки поэтик жанрда яратилган асарларда кўп ҳолларда фонетик ўзгаришлар ўзини оқлайди: ора – аро; қора – қаро; келар – келур; орзум – орзуйим кабиларни бу ўринда мисол тариқасида келтириш ўринлидир.

Бадиий асар тилини ўрганиш билан бир қаторда ҳар бир жанрнинг, жанрларнинг ўзига хос специфик имкониятларини алоҳида эътиборга олиш, ҳар бир ёзувчининг ўзига хос индивидуал услубини ҳисобга олиш ҳам зарурий шартлардан биридир. Юқорида қайд этилган томонларни ҳисобга олганимиз ҳолда Абдулла Қодирий асарларининг ўзбек адабиётида, ҳозирги XX аср ўзбек адабиётида алоҳида, ўзига хос ўрин тутишини кўрсатиш, таъкидлаш жоиздир.

А.Қодирийнинг “Ўтган кунлар” романида XX аср ўзбек адабиётида катта мавқега эга. Бу ромонлар маълум бир ҳудудда бўлиб ўтган воқеа ва ҳодисаларни, яъни “Ўтган кунлар” романида Тошкентда ва Фарғонада бўлиб ўтган воқеа-ҳодисалар ифодасини топганлигини назарда тутсак, текшириш объектимиз, илмий ишимизнинг асосий мақсади ва йўналиши яна бир мунча ойдинлашади. Айтиш лозим, бизнинг асосий мақсадимиз ёзувчи асарларида, ромонларида диалектал сўзларнинг қўлланилишини ўрганиш бўлганлиги боис, биз романда тасвирланаётган воқеаларнинг географик ўрнига, аҳоли яшаган жойнинг ўзига хос миллий урф-одатларига, маҳаллий гаплашиш хусусиятларига жиддий эътибор берамиз. Шундай қилсакки, биз Қодирий асарларида ёзувчининг диалектал сўзлардан фойдаланиш маҳоратини, сўз қўллаш меъёрини, маъно юклаш, маъно ифодалаш санъатини яна мукаммалроқ ўрганишга киришишимиз табиийдир.

Ёзувчи асар яратиш жараёнида бўлиб ўтаётган воқеа-ҳодисаларни ўша ерлик, маҳаллий аҳоли тилидаги диалектал сўзлардан, диалектизмлардан жуда ўринли, айтиш керак, Абдулла Қодирийнинг биз объект қилиб олганимиз “Ўтган кунлар” романида географик жойлар тасвири алоҳида самимият билан тасвирланади, лирик эпизодлар кенг ўрин эгаллайди, лирик тасвир,

лирик тўлқин эпиклик билан қоришиб, асар қаҳрамонлари характерини ёритишга ёрдам беради. Шубҳасиз, бу ҳол ёзувчининг бадиий тажрибаси, санъаткорона маҳорати билан боғлиқдир. Ёзувчи асар қаҳрамонларини тасвирлашда ҳам ўзига хос тасвирий воситалардан унумли фойдаланади. Бунда ўша образга хос тил хусусиятлари ҳам алоҳида ажаралиб туради. Яъни асар қаҳрамонига мос сўзлардан фойдаланади. Масалан:

Йигитнинг узоққина йўлдан келганлиги, унинг киприк ва қошлариға, ҳам эндигина чиқа бошлаған соқол муртлариға ўлтурған тўзонлардан билгулик эди. Йигирма икки ёшлар чамасида бўлған бу йигит саприқ танлик, уккининг кўзидек чақчайиб, ўйнаб ва ёниб турған қизил кўзлик, юзига парчинланғандек юза (пучук) бурунлик, манглайи қанча ташқариға ўсиб чиқған бўлса, юзи ўшанча ичкариға кеткан, қисқаси вақтсизроқ яратилиб қолған бир махлуқ эди.(174)

Худди шу ўринда юза бурунлик сўз бирикмаси ўрнида пучук сўзини қўллаш мумкин эди. Лекин бунда ёзувчи истаган маъно ифодаланмас эди.

Ёзувчи персанажларнинг нутқий характеристикасига катта эътибор беради: ҳар бир персонажни нутқига қараб кимлигини, ҳаёт ёки жамиятдаги ўрнини, мақсади ва ниятини, асар сюжетидаги махсус йўналишини белгилаш мумкин.

Асарни ўқиш жараёнида ёзувчининг тасвирлашдаги маҳоратига ҳар қадамда дуч келишимиз мумкин:

Бу хонадоннинг ошхонаси бўлмағани учун бўлса керак ҳалиги айвоннинг бир бурчагига ўчоқ қурилған. Тутунлар билан айвон деганимиз қоб-қора ис, айвон бўлғаниға онд ичмакда. Бунинг устига ўчоқ бошидағи товоқ-қошиқлар, тоғора ва қозонлар тартибсиз равишда ифлос ётарлар, қозон теварагида уймалашмакда бўлған уч-тўртта товуклар мундаги ифлосликни яна бир қат оширмоқда эдилар. айвоннинг нариги ёнидаги дарича орқалиқ уйга кирилур эди.

Уйнинг ярмиси қуруқ ер-қаро шибдан иборат бўлса-да, аммо тўрида чақич боғлаб йилтирамакда бўлган-кир, юлдуз каби илма тешук жафокаш оқ кигиз, ҳам тахмондағи эски сандиқ устига йиғиб қўюлган бир тўда пахтаси чиқган увадалар кўрпа-ёстиқ отини ўз устиларига олур эдилар. Битта тоқчадағи чети учкан, қони қочқан уч-тўртта пиёла ва бир қора қумғонни, иккинчи тоқчадағи умрида ювиниб кўрмаган қора мис баркашни, бўш қозиқлар кўнгли учун осилган биттагини кир дастурхонни тилга олиш билан бу ҳавлининг бутун жиҳоз амлоки рўзгорини ёзиб чиқилган бўлинур, бурчакдаги тоқчада қаттиғ нон мужиб ўлтурғувчи сичқонни кўрсатиб ўтилмаса, бу уйда бошқа жонлиқ зот ҳам кўринмас эди. (175)

Биз мазкур ишимизда Қодирийнинг асари “Ўтган кунлар” романида ишлатилган диалектал сўзларни ўрганишни ва бу билан ёзувчи ўзбек адабий тилини халқ жонли тилига яқинлаштиришга, тўғриси, халқ тили, маҳаллий шеваларнинг, жонли тилнинг лексик, фонетик ранглари билан имкониятлари, янги сўзлар, янги маъно ифодалаш имкониятлари билан бойитишга қай даражада хизмат қилганини талқин этишни ўз олдимизга асосий мақсад қилиб қўйдик ҳамда ана шу мақсадимизни тўлароқ ёритишни, амалга оширишни назарда тутдик.

1.2.БАДИЙ АСАРЛАР ТИЛИДАГИ ШЕВАГА ХОС СЎЗЛАРНИНГ ЎРГАНИЛИШИ

А.Қодирийнинг “Ўтган кунлар” романида XX аср ўзбек адабиётида катта мавқега эга. Бу ромонлар маълум бир ҳудудда бўлиб ўтган воқеа ва ҳодисаларни, яъни “Ўтган кунлар” романида Тошкентда ва Фарғонада бўлиб ўтган воқеа-ҳодисалар ифодасини топанлигини назарда тутсак, текшириш объектимиз, илмий ишимизнинг асосий мақсади ва йўналиши яна бир мунча ойдинлашади. Айтиш лозим, бизнинг асосий мақсадимиз ёзувчи асарларида, ромонларида диалектал сўзларнинг қўлланилишини ўрганиш бўлганлиги боис, биз романда тасвирланаётган воқеаларнинг географик ўрнига, аҳоли яшаган жойнинг ўзига хос миллий урф-одатларига, маҳаллий гаплашиш хусусиятларига жиддий эътибор берамиз.

Жонли тил ёзувчи яратган одамлар тилида қолади, албатта, лекин шундай бўлса ҳам, жуда кам тасвирланаётган одам характерини янада бўрттириб, жонли қилиб кўрсатишга лойиқ миқдорда қолади(м.горкий. адабиёт ҳақида. т., ўздавнашр, 1962, 240)

Халқ мақоллари, маталлари, афоризмлари, ибораларидан моҳирона фойдаланиш асар тилини халқчиллигини оширади. А.Қодирий, Ҳ.Олимжон, Ойбек, А.Қаҳҳор, Ғ.Ғулом, П.Қодиров, А. Орипов, Э.Воҳидов каби сўз усталари асарлари тилида шу ҳолат кўзга яққол ташланиб туради.

Ёзувчи адабий асар тилининг халқчиллигига кўпинча “жонли халқ тили оқимидан энг ўткир, энг мувофиқ, бамаънисини танлаб олиб”(М.ГОРЬКИЙ), ўз ўрнида маҳорат билан ишлатиш орқали эришади. Бу фикрлар, асосан, замонавий асарлар тилининг халқчиллигига тегишлидир.Тарихий мавзудаги асарлар тилида халқчилликка эришишнинг бирмунча қўшимча қийинчиликлари бор. Чунки бу хил асарлар тилида, биринчидан, муайян даврнинг руҳи акс этиши ва иккинчидан, ҳозирги

замон китобхонларига тушунарли бўлиши лозим. Ана шундагина асар тилида халқчиллик уфуриб туради. Бу масалада Ойбекнинг “Навоий” романи тили устидаги тажрибалари ғоятда ибратлидир. “Мен Навоий тили кудратини, гўзаллиги ва хуснини тўла кўрсатишга тиришдим, - деб таъкидлайди Ойбек. –Унинг тилидаги айрим ўткир, моҳир, салмоқли ифодаларни, Навоийга хос терминлар ва шаклларни ишлатдим. Халқнинг маъноли, бой, оригинал, жонли, ўзига хос равшан тилини кўрсатдим. Бунинг учун, албатта, у давр адабиётини, ҳаётини, халқ тилини чуқур, муфассал ўрганишга тиришдим. Ёзувчилар тилни халқдан ўрганишлари лозим. Халқ тили ажойиб учирмалар ва қочириқларга бой, битмас – туганмас асл манбадир”(Ойбек.”Навоий” романини қандай ёздим. Адабиётимиз автобиографияси. Т., Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1973, 160- бет.

“Ўтган кунлар”, “Меҳробдан чаён”, “Навоий”, “Улуғбек хазинаси”, “Юлдузли тунлар”, “Авлодлар довони”, “Кўҳна дунё” романлари тилининг халқчиллигини таъминлашда муаллифлар худди шу усулдан фойдаланишган деб дадил айтиш мумкин.

Адабий асар тилидаги ҳар бир сўз ўз “юки”га эга бўлади. В.Г.Короленко уқтиргандек, “ сўз шамол учуриб кетадиган ўйинчоқ шар эмас. У иш қуроли, у маълум миқдордаги юкни кўтариши керак. Биз бошқаларнинг руҳини қамраб олишга, кўтаришга қараб туриб, сўзнинг аҳамияти ва кучига баҳо берамиз” (Бадий ижод ҳақида,63-бет)

Ёзувчи ҳар бир нарсани шундай тасвирлаб бериш керакки, натижада уни кўз олдимизга равшан келтира олайлик. Бунинг учун ҳар бир нарсанинг ўзига хос хусусиятини, ҳолатини пайқаб олиш ва уни аниқ, маънодор сўзлар орқали равшан айтиб бера олиш керак.

Дарҳақиқат, ҳақиқий бадий асарларда ҳар бир предмет, шахс, воқеа шундай аниқ, равшан ва жонли тасвирланадики, китобхон яхши расмларни

кўриб завқланганидек, уни ўқиб маънавий озуқа олади. Асардаги ҳар бир предмет, шахс, ҳодиса унга шу қадар яқин бўлиб қоладики, натижада уни қўли билан ушлаб кўраётгандек бўлади, тасвирланаётган шахс эса унга яқиндан таниш бўлиб қолади.

Адабий асар тили ўз жозибадорлиги, ширалилиги, сермаънолилиги ва бўёқдорлиги билан китобхонни диққатини ўзига тортади. А.Қодирийнинг “Ўтган кунлар”, “Меҳробдан чаён” каби асарларининг тили мана шундай.

Ёзувчи адабий асар тили устида тинимсиз меҳнат қилади. У ниҳоятда ноёб, ўзига хос ёзиш услубига эга. Бир асарининг тили иккинчисидан фарқланиб туради. Демак, ёзувчи тил маҳорати асардан асарга ўсиб, бойиб боради. П.Павленко “ Ҳаёт-ёзувчининг мактабидир мақоласида шундай ёзади: “Бадий асар тили ёзувчидан тер тўкиб ишлашни талаб қилади. Баъзан мен ҳар бир янги тема ўзининг янгича ташқи беағидан ташқари, ўзининг алоҳида ҳаёт доирасидан ташқари, яна тилда янгича гармонияни ҳам талаб қилса керак, деб ўйлаб қоламан”(Бадий ижод ҳақида 63 бет)

Умумхалқ жонли тили-одамларнинг турмушда ўзаро муомала-муносабати, алоқа қуроли-жонли сўзлашув нутқидир. Ҳаётда одамлар ўзаро муомала-муносабатга киришмасдан яшай олмайди. Кишилар ўзаро муомала-муносабат жараёнида фикрини аниқ ва тўғри ифодалашга эътибор беради. Жонли сўзлашувда норматив грамматика қоидаларига, сўзларнинг талаффуз нормаларига у қадар эътибор берилавермайди. Шунингдек, жонли сўзлашув жараёнида шева элементлари, маҳаллий муҳит тақозоси билан пайдо бўлган сўз ва иборалар ҳам ишлатилади.

Ёзувчи ва шоирлар ўз асарлари тилида маълум бир диалектга хос сўз ва иборалардан турли мақсадларда фойдаланадилар. Шунга қарамасдан,

бадий асарларда диалектизмларнинг роли, тутган ўрни ва вазифалари ўзбек тилшунослигида ва адабиётшунослигида ҳозирга қадар алоҳида ва кенг, ҳар томонлама текшириш объекти бўлган эмас.

Диалектал сўз нима? Диалектал сўзнинг тилнинг бошқа лексик составига кирган бошқа сўзлардан қандай фарқи бор? Бир қарашда, бу масала унчалик муаммо даражасида эмасдек кўринади. Бироқ, жиддий эътибор билан қаралса, бу масаланинг муҳимлиги кўзга ташланади, ҳал қилиниши, ишланиши лозим бўлган қирралари кўринади.

Диалектизмлар борасида бир қатор олимлар ўзларининг турли-туман қарашларини, фикрларини айтишганлар.

Диалектизм – бу миллий халқ тилига хос бўлган сўзлардир. Чет эл лингвистик адабиётида ҳам асосан шундай деб қаралади ва бу масала бир мунча фактик материаллар асосида ўрганилган. Албатта, бундай тушуниш, масалага объективроқ ёндошиш ҳақиқатга, мақсадга яқин ва ўринлидир. Лекин ҳаддан ташқари умумий ва ноаниқдир. Унга турли хил мавзуларни юклаш мумкин. Масалани шу хилда олиб қараш, шаклан ишланганлиги лексикографик амалиётда сезиларли даражада чалкашликларга йўл қўйилишига олиб келиши мумкин, бу нарса айтилган пайтда, кўзга ташланмоқда.

Диалектизм термини тилшунослик ва адабиётшуносликда тез-тез қўлланилиб турсада, бу сўзнинг тўлиқ ва аниқ мазмунини ифодалайдиган таъриф турличадир. Профессор Улуғ Турсунов ва бошқа олимлар ҳамкорлигида нашрдан чиққан “Ҳозирги ўзбек адабий тили” дарслигида диалектизм термини қуйидагича изоҳланади; “Ишлатилиш ҳудудига кўра чегараланган тил ходисаларига диалектизм дейилади. Диалектизм умум тилга эмас, балки шу умум тилнинг маҳаллий кўринишлари бўлган диалектларгагина хос ҳодисадир. Шунга кўра, булар, одатда, бирор диалектнинг вакиллари нутқида ишлатилади, кўпинча бошқа диалектнинг вакилларига, шунингдек, адабий нутққа ҳам хос бўлмайди.”

М. Мирзаев ва бошқа олимлар ҳамкорлигида нашрдан чиққан “Ўзбек тили” номли китобда “...ягона миллий тилда ишлатилмайдиган, айрим маҳаллий диалектларгагина хос бўлган сўз диалектизмдир” дейилган.

Ҳ. Жамолхонов “Ҳозирги ўзбек адабий тили” китобида диалектларга хос сўзлар қўлланиши территорияга кўра чегараланган лексемалардир деб изоҳлайди. Бундай сўзлар *лексик диалектизмлар* саналади. Улар икки хил бўлади:

а) диалектизм-сўз. Бунда сўзнинг ифода плани, демак, номемаси шевага хос бўлади: *бузоғ* - Тошк.ш., *гўсала* – Бух.ш., *ўджак* – Хоразм.ш.(ад.-орф.*бузоқ*); *райҳон* - Тошк.ш., *нозвой* – Сам.ш. (ад.-орф.*райҳон*); *ёстиқ* - Тошк.ш., *така* - ўғиз диал, *болиш* – Бух.ш.(ад.-орф.*ёстиқ*); *дўппи* - Тошк.ш., *қалтоқ*-Сам.ш., *каллапўш* – Бух.ш. (ад.-орф.*дўппи*) каби;

б) диалектизм-маъно. Бунда лексеманинг ифода плани (номемаси) эмас, маъноси (семемаси) шевага хос бўлади, номема эса адабий тилда ҳам қўлланади. Масалан, *чопқи*(Тошк.ш.)-*чопқи*(Сам.ш.)-*чопқи*(ад.тилда). Демак, *чопқи* номемаси диалектизм-сўз саналмайди, аммо унинг шевалардаги маънолари бир хил эмас. Қиёс қилинг: *чопқи* (Тош. шевасида-«шоҳ-шабба қирқиш, гўшт, пиёз қиймалаш ва ш.к.ишларда қўлланадиган катта ва оғир, пичоққа ўхшаш асбоб»)- *чопқи* (Сам.шевасида – «тиғи сопи ичига қайириб ёпиб қўйиладиган пичоқча, қаламтарош») – *чопқи* (ад.тилда – «шоҳ-шабба қирқиш, гўшт қиймалашда қўлланадиган катта ва оғир, пичоққа ўхшаш асбоб»). Демак, *чопқи* лексемасининг семантик таркибида иккита семема (лексик маъно) бор: 1) Тошкент шеваси ва адабий тилдаги маъноси. Булар диалектизм эмас; 2) Самарқанд шевасидаги маъноси. Бу маъно фақат шевага хос бўлиб, адабий тилга ўтмаган, шунинг учун у диалектизм-маъно (диалектизм-семема) саналади. Бундай ҳолни *лаган* лексемасида ҳам кўрамиз. Бу лексема адабий тилда «қуюқ овқатлар солинадиган, тарелкадан

катта ясси идиш» маъносини англатади. Демак, у шу шаклда ва шу маъносида диалектизм эмас, аммо *лаган* лексемасининг шеваларда «катта чуқур тўғарак идиш», «кир ювиладиган тоғора» маънолари ҳам бор, *лаган* сўзининг айни шу маънолари диалектизм-семемалар саналади.

Тилнинг луғат бойлигида лексик диалектизмлардан ташқари, *фразеологик диалектизм* ҳам учрайди. (Бу ҳақда «Фразеология» бўлимига қаранг.) Лексик ва фразеологик диалектизмлар биргаликда луғавий диалектизмлар ҳисобланади.

Диалектизм ҳодисаси тилнинг фонетик ва грамматик сатҳларида ҳам бор:

а) *фонетик диалектизмлар* диалектга хос нутқ товушлари ёхуд сўзнинг у ёки бу шевадаги фонетик таркиби. Масалан, ўзбек тилининг қипчоқ лаҳжаси шеваларида 9 та унли фонема бор: и-ы, ä-а, ў-у, ў(Ø)-ў(о) ва е(э). Бундай зидланишнинг ҳар бир аъзоси сўз маъносини фарқлаш учун хизмат қилади. Қиёс қилинг: *тиш* («одамнинг тиши»)-*тыш* («ташқари»), *ыс* («қурум»)-*ис* («ҳид»), *сыз* («чиз»)-*сиз* («сиз»), *от* (ўт:«олов», «ўсимлик») - *Өт* (ўт: «ўтишга буйруқ»), *ор* (ўр: «бедани ўр») - *Өр* (ўр: «сочни ўр»), *тур* («туришга буйруқ») – *тўр* («хил», «жинс») [16] каби. Бироқ ҳозирги ўзбек адабий тилининг фонологик тизимида унли фонемаларнинг бундай зидланиши («йўғонлик» ва «ингичкалик» белгилари билан фарқланиш) йўқ, демак, юқоридаги сўзларнинг ҳар биридаги унли фонема фақат шеванинг ўзигагина хос, шунга кўра улар *фонетик диалектизмлар* саналади.[12]

Сирғалувчи **й** ва қоришиқ **ж** ундошлари шеваларда ҳам, адабий тилда ҳам бор. Демак, улар диалектизм эмас, аммо бу товушларнинг шевада ва адабий тилда қўлланиши фарқланадиган ўринлар учрайди. Хусусан, сўзнинг бошида адабий тилдаги **й** ўрнида қипчоқ лаҳжасининг «ж»-ловчи шеваларида қоришиқ ж ишлатилади: *йўқ* (ад.-орф.)-*жӨқ* (шевада), *йигит*

(ад.орф.)-*жигит* (шевада), *йилон* («й»-ловчи шеваларда) – *жилян* («ж»-ловчи шеваларда) каби. Бу ҳодиса к ва г, т ва д ундошларининг қўлланишида ҳам юз беради: *кўз* (ад.-орф.)-*гўз* (гўз: Хоразм ш.), *кел* (ад.-орф.)-*гәл* (Хоразм ш.), *тил*(ад.-орф.)-*дил* (ўзб.тилининг ўғуз лаҳжасида) каби.[21] Бу ҳодиса *лексик-фонетик деалектизм* деб баҳоланади (102,96-б);

б) *грамматик диалектизмлар* – бирор шеванинг ўзигагина хос (адабий тилдагидан ўзгача) грамматик шакллари. Мас., адабий тилдаги – «-миз»(шахс-сон аффикси) ўрнида Тошкент шевасида

«-вуз» аффикси ишлатилади: *борамиз*(ад.-орф.)-*боровуз* (Тош.ш.) каби. Адабий тилдаги «-да» (ўрин-пайт келишиги қўшимчаси) ўрнида Самарқанд шевасида «-га» қўлланади: *Тошкентда ўқияпман* (ад.тилда.) – *Тошкентга ўқопман* (Сам.ш.) каби. Ҳозирги замон давом феъли шакллари шеваларда «-вот» (Тошк.) – «-оп» (Сам.) –

«-утти» (Нам.) аффикслари билан ифодаланади: *борвотти*, *боропти*, *борутти* каби. Келтирилган мисолларнинг шевалардаги турлари *грамматик деалектизмлар* саналади.

Лексик, фонетик ва грамматик диалектизмлардан бадаий асар тилида услубий восита (услубий фигура) сифатида фойдаланиш ҳоллари ҳам учрайди. Ёзувчи А.Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романидан келтирилган куйидаги матн парчасига назар ташлайлик:

1.Нега бу ерда **тегирмончининг ишсиз қолган эшшагидек** жунжайиб ўлтурибсан, Содиқ?-деди бир йигит.(182)

2.-Содиқ!-деди ҳалиги йигит ва Содиқдан “ҳа” жавобини олғач, бурнингми Рисолат холамнинг **рапидаси**?-деди(182) (**енгча**-нон узадиган, **енгса**)

3.-**Жур**, базмга!

-Қанақа базмга?

-Шамшодбекнинг базмига, ҳали Шамшодбекнинг тўйидан хабаринг йўқми? **Жур**, Содиқ жияним, **башарангми дўлда қолган таппими?**

Юқоридаги нутқий парча муаллиф тили ва персонажлар тилидан таркиб топган бўлиб, унда нутқнинг диалогик шакли қатнашган. Персонаж тилида ўзбек шевалари сўзларидан, шу шеваларга хос грамматик шакллардан ва лексик-фонетик диалектизмлардан унумли фойдаланилган, натижада образ нутқининг типик ва таъсирчан бўлишига эришилган.

Бундан кўриниб турибдики, айрим диалект ва шеваларга хос бўлган ва адабий тил таркибида ишлатилмайдиган сўзлар диалектизмлар деб аталади, деган яқуний хулоса келиб чиқади. Албатта, диалектизм маълум бир диалектга хос бўлган сўзлардир. Аммо уларнинг адабий тил таркибида ишлатилиши ёки ишлатилмаслиги масаласини ўйлаб кўришга тўғри келади. Чунки рус тилининг изоғли луғатида “Диалектизм адабий тил томонидан бирон бир диалектдан ўзлаштириб олинган сўз ва нутқ бирликларидир” дейилган.

Бадиий асар тилида учрайдиган диалектизмлар бўйича иш олиб борган тилшунос олим Б. Р. Мирзакулиев диалектизмларга бир мунча бошқачароқ таъриф беради. Унинг фикрича, “бадиий асар матнга киритиладиган, ёзувчиларнинг фикрига, адабий тилнинг тасвирий воситаларини тўлдирувчи ва бойитувчи у ёки бу шеванинг ўзига хос лексик, фразеологик, фонетик, морфологик, сўз яшаш, синтактик хусусиятлари диалектизмлар деб аталади”.

А.Қодирий

1. Ҳасанали хат олғани борғанида отхонада кўрган қора тўриқ отни таниғани он қўлтуғига кириб олган **рўдапо**дан қутилишига тиришиб боқди, лекин **ухдасидан** чиқолмағач, кўзини йиртқичларча чахчайтириб “**ит эмган даъюс!**” деди қўлтуғидаги жонлик кишанга...(ЎК.183)

2.Халиги муштумзўр йигит уни бир туртдида: “Юр, юр, **итбачча**, жинни-минни бўлдингми? Деб судрай бошлади, бошқалар ҳам унга чуғурчикдек ёпишдилар. (ЎК.183)

3.-Кулишингни бежо қилма, **ҳез** Абдукарим!(241)

Буларнинг таърифлари, ҳар қандай, тўлиқ бўлсада, бир томонлама бўлиб қолган, яъни улар фақат бадий асар тилида учрайдиган диалектал ҳодисаларнинг диалектизмлар деб қаралишини, бошқача қилиб, аниқроқ айтганда, улар фақат бадий асар тилида учрайдиган диалектал ҳодисаларнигина диалектизмлар деб тушунганлар. Адабий тилнинг бошқа кўринишларида учраб турадиган диалектал ҳолатларни ҳисобга олмаганлар. Демак, мана шу ҳолнинг ўзиёқ диалектизмларни олимлар тирлича таърифлаганларини кўрсатиб турибди. Бироқ мана шу юқоридаги қарашларни умумлаштириб ва айриларига суянган ҳолда диалектизмларни қуйидаги таърифлаш мумкин. Айрим сабабларга кўра, аниқроғи, маълум мақсадни кўзлаб адабий тил таркибида қўлланиладиган, унда маълум бир муайян вазифани бажарадиган алоҳида бирор диалект ва маҳаллий шеваларнинг фонетик, морфологик, лексик ва синтактик хусусиятларини ўзида акс эттирадиган, алоҳида бирор сўз, грамматик форма бирикмалари диалектизмлардир. Масалага ана шу нуқтаи назардан қараганда, диалектизмлар маълум даражада шу диалект вакиллари тилига хос бўлиши билан бирга ёзувчи томонидан маълум мақсадларда бадий асар тилида ҳам кенг ишлатилиши мумкин бўлган тил элементлари ҳисобланади.

А.Қодирий бу асарларида диалектизмлардан кенг фойдаланган. Шунинг учун ёзувчининг ромонларида ишлатилган диалектизмлар бизнинг мазкур ишимиз учун ўрганиш объекти бўла олади. Бадий асар мазмунини ёритиш учун асарга киритилган диалектал сўзлар шу диалектнинг ўзига хос

хусусиятларини қандай ифодалашига қарамасдан, улар қуйидагича тасниф қилиниши мумкин:

1. Фонетик диалектизмлар.
2. Морфологик диалектизмлар.
3. Синтактик диалектизмлар.
4. Лексик диалектизмлар.

1. **Фонетик диалектизмлар** шеванинг ўзига хос товуш системалари орқали берилган сўзларни кўрсатиш учун хизмат қилади: ман (мен), сан (сен), чоч (соч) каби.
2. **Морфологик диалектизмларга** адабий тилдагидан ўзининг грамматик формалари билан фарқланувчи сўзлар киради.
3. **Синтактик диалектизмлар.** Бундай диалектизмлар сўз бирикмасига ёки гапга тенг бўлиши мумкин: ҳай, харом қотгур (харом ўл маъносида қўлланылган). Мен мунда (ман бу ердаман).
4. **Лексик диалектизмлар.** Диалектизмнинг бу тури маълум бир шеванинг луғат таркибида мавжуд бўлиб, улар тайёр ҳолда бадиий асар тилида ишлатилади.

Лексик диалектизмлардан баъзилари (уларни соф лексик диалектизмлар деб ҳам юритилади) адабий тилдаги маълум сўзларга синоним бўлиб кела олади. Масалан, тоза – янги.

11 БОБ

2.1. “Ўткан кунлар” романидаги мақолларда шевага хос сўзлар

Халқ ҳикматлари-турмуш онасининг дард чекиб тукқан тўнғич ўғли.

(Абдулла Қодирий)

Ҳикматли сўзлар, мақоллар асрлар садоси, замонлараро кўприқдир. Булар халқ истеъдодининг масофа билмас шуълалари, ҳақсизлик, зулм, адоват кўксига қадалувчи адолат шамширидир. Аجدодлар сабаб ўтмишдан асрлар оша бизгача етиб келган ҳикматлар халқ тафаккурининг, унинг ҳаётий тажрибасидан келиб чиқадиган фикрларнинг қисқа ва гўзал бадиий эстетик ифодасидир. Ҳар бир мақолда бутун бошли китобга арзигулик маъно ва ҳис-туйғулар жойлашган. Дарҳақиқат, ҳикмат-ақл-заковат воситасида ифодаланган ўзгартириб бўлмайдиган “михлаб қўйилган” чуқур маъноли гап. Халқ оғзаки ижодиётининг бу жанри ёзма адабиёту оғзаки нутқда турлича номлар билан аталади: мақол, ҳикматли сўз, афоризм, ибора, таъбир, отасўз, машойиқлар гапи, яхшиларнинг гапи ва ҳоказо. Табиийки, булар орасида энг кўп қўлланиладигани мақол атамасидир.

Чуқур мазмунни, оқилона фикрни сўз хазинасининг дуру жавоҳирларини ўзида мужассамлаган ранг-баранг мақоллар нутқни жозибали, таъсирчан қилувчи, беихтиёр кишини ўйлашга, мулоҳаза қилишга ундовчи қуватга эга. Улар киши ақлини чархлайди, нутқини таъсирчан қилади ҳатто тўғри йўлни танлаб олишга, зарур ўринларда муаммоларни тўғри ечишга ҳам кўмаклашади. Шу маънода мақолларни “ҳаёт қомуси” дейиш мумкин.

Мақолларнинг мавзуси кенг, ифодаси рангбаранг. Уларда ижтимоий муаммолардан тортиб, оилавий ҳаётнинг энг кичик кўринишларигача, юксак ахлоқий тартиблардан тортиб, кишилар феъл атворидаги майда-чуйда

камчиликларгача ҳолатларга муносабат ўз ифодасини топган. Бошқача қилиб айтганда, инсон ҳаётининг бирор жабҳаси йўқки, мақолларда унга муносабат билдирилмаган бўлсин.

Мақоллар даврлар ўтиши билан сайқал топади, мазмунан чуқурлашади. Айрим ҳолларда бунинг акси ҳам бўлади. Яъни эшитган мақолини қўлловчининг мақолдаги сўзлар ёки унда айтилмоқчи бўлган асосий фикрни яхши тушунмаганлиги сабабли мақолга ўзининг савиясига мос бошқа сўзларни қўшиб айтиб юбориш ва шу ҳолида тарқалиш ҳоллари ҳам учрайди. Баъзан бундай ҳол шу мақолдан ўз манфаати йўлида фойдаланиш сабабли ҳам рўй беради. **(Б.Тўйчибоев.Зомин сўзлиги)**

Бизга маълумки, Абдулла Қодирий буюк романнавис адибдир. Унинг ҳар бир романида халқчиллик, ўзбек тилининг нозик жилвалари ўз аксини топади. Шу жумладан, “Ўткан кунлар” романида ҳам халқона сўзларнинг, барқарор бирикмаларнинг гўзал намуналарини кўришимиз мумкин. Барқарор бирикмалар деганда мақоллар, маталлар ва иборалар тушунилади. Мақоллар грамматик жиҳатдан фикрни билдирувчи кичик, ихчам, ўткир мазмунли кўчма маънода ҳам ўз маъносида ҳам қўлланувчи халқ ибораларидир.(9)

Мақоллар нутқ таъсирчанлигини амалга оширишда фикрни лўнда ва аниқ ифодалашда жуда қўл келади. Абдулла Қодирий ҳам мақол ва маталлардан асарда жуда ўринли фойдаланган. Бу орқали асарнинг халқчиллигини, ҳаққонийлигини таъминлашга хизмат қилган. Масалан: **Кеча келдинг сурилиб, бу кун кеткин бурилиб.(347)**

Бу мақолни келтириш орқали адиб Ўзбек ойимнинг ўзига хос характерини, ўз сўзини ўтказадиган инжиқ инсон эканлигини жуда усталик билан тасвирлаган. Бу вазифани албатта халқ мақоли бажарган. Асарда адиб баъзи мақолларни қаҳрамонлар тилидан келтирган ва қаҳрамон характериға

мослаб мақолни содда тарзда ёки аксинча мураккаблашган шаклда қўллаган.. Масалан:

-Тана бузоқнинг турқи туқғанига тамға ...(348)

Бу жумладан Кумушнинг ўзига хос феъл атвори, характери, оилада ёлғиз фарзанд бўлганлиги учун эрка ўсганлиги, кундошликка чидай олмаслиги каби маъно англашилади. Асар қаҳрамони Офтоб ойим тилидан айтилган бу мақол асарнинг халқчиллигини қаҳрамонларнинг ҳар бирига мослаб қўлланилган ўзига хос нутққа эга эканлигини очиб берган.

Адиб баъзи мақоллардан қаҳрамон характерини очиб бериш учун усталик билан фойдаланган. Ва ўша замон муҳитига мослаб мақолнинг баъзи сўзларини ўзгартирган. Ва албатта қаҳрамон тили, шевасига мослаб қўллаган. Масалан:

Зайнаб оёғи олти, қўли етти бўлган ҳолда эрини тўрт қават кўрпача устига ўтқузиб, ёнига учта пар ёстикни уйди. (338-бет).

Бу мақол орқали адиб Зайнабнинг ўзига хос характер хусусиятини, айёрона ҳаракатини тасвирлаган. Мақоллардан ташқари асар экспрессивлигини ошириш учун маталлар ва ҳикматли сўзлардан ҳам фойдаланган.

1. -Юрган дарё, ўлтурган бурё эмиш, - деди Акрам хожи. (17)ЎК

2.”Тенг-тенги билан, тезак қопи билан” ха-ха-ха!...(33)ЎК

Бундан ташқари асарда Абдулла Қодирий чиройли тарзда ҳикматли сўзларни ҳам келтирган. Масалан:

Шайхи Саъдий айтканча, дунёда ҳаётидан қўл ювғучидек тили узун киши бўлмас. Шайх Саъдий тилидан келтирилган бу

ҳикматли сўз орқали ўлим билан юзма-юз Анварнинг ҳолати ёритиб берилган. Адиб баъзи ўринларда мақол билан бир ўринда ҳикматли сўзни ҳам келтиради. Бу усул қаҳрамон нутқининг янада таъсирчанлигини оширади:

-Яхшилик қил, дарёға ташла, балиқ билмаса ҳолик билур деганлар. Фузулий: “Даҳр бир бозордир, ҳар ким матоин арз едар” деб жуда тўғри сўзлайдир. Шунга ўхшаш биз ҳам ўзимизда бўлган матони бозорға соламиз...”

Абдулла Қодирийнинг “Ўтган кунлар” асарида жуда кўплаб мақол ва ибораларга дуч келамиз. Масалан:

1.Ҳа айланай куда, **қарс икки қўлдан чиқадир**, деганлар...**Бузок яхши бўлса, икки онани ҳам эмар экан...**(310)

2.-Йўк, деди Ўзбек ойим, **ош эгаси билан ширин.**(309)

3.-Менга кара, хотин,-деди ҳожи жиддий тусда. Ўзбек ойим қаради.-**Ўринсиз чирансанг, белинг синадир**, дейди тожиклар.(302)

4.**Кампирнинг дарди ғўзада, сичқоннинг кўзи донлик кўзада**, деганларидек, бизнинг Ўзбек ойимизнинг ҳам дарди бўзада эди.(301)

5.-Албатта яхши биласан, қияди! Аммо сен ахлоқсан, **кўрпангга қараб оёқ узатишни, қарс икки қўлдан чиқишини билмайсан!**(361)

6.Аммо Зайнаб онаси билан **янгаси** Ҳанифа бир жойга отланадирған бўлсалар, “бораман, бормайман” демас, улар ҳам **йиғламаған болаға сут берилмас** қабилидан индашмасдан меҳмондорчиликка кетар эдилар.(354)

7.Офтоб ойим эридан ҳам **қўлини ювиб қўлтуғига урган** эди.(350)

8.**Икки оғимизни бир этукка тикишимиз уятка ўхшайдир**”(350)

9. **Тана бузоқнинг турки туқғаниға тамға** деганларидек, албатта менга равшан... аразчи десангиз ҳам шу, ичи қоралиқ десангиз ҳам шунда...(348) (Онасини кўриб қизини ол)

10. **Титралиб ва тўлкунланиб** айтилган бу сўзлар Отабекни ўқинтирди, ўлганни устига **чиқиб тепиш** қабилидан бўлган ўз хужумининг ҳақсиз эканига тушунди.(291)

11. **”Эгасини сийлаган итига суяк ташлар, қилмоқчисиз-да , баракалла!”**-дедим(293)

15. **Сўзингиз** ерда қоладир, **був Офтоб**, бир оз андиша ҳам лозим,-деди ва Кумушка юзини ўгирди, уят эмасми, келин? **Кеча келдинг сурилиб, бу кун кеткин бурилиб.**(347)

16. **Икки юзламалиғингиз ва тил тегида тил сақлағанингиз** ҳам арзимайдими?(341)

17. Отабекнинг аланглаб жавоб бериши Зайнабнинг бояғи даъвосини чинга чиқарғандек бўлиб, Кумуш жуда ҳам **тўнини тескари кийди** ва юзини четка бурди.(341)

18. **Билган топиб сўзлар, билмаган қопиб,** деганларидек онангнинг айтмакчи бўлган сўзи фақат шу эди.

19. **Пичоқни ўзингга ур, оғримаса бошқага,** деган бир гап бор...(146)

20. **Адимини санаб босиш, бир чўқиб саккиз ёққа қараш** каби эҳтиётларга таълимотсизоқ ўрганиб қолган, бунинг устига бир хил ўнгғайсизлиғи ҳам йўқ эмас эди...(339)

“Меҳробдан чаён” романида учрайдиган мақоллар

1.”Кўрпангга қараб оёқ узат, муллабачча!”(186-бет)

2.”Бир қўчқорнинг боши кеткунча, минглаб қўйнинг боши кесилар емиш”(186-бет)

3. **”Ҳар ким тилаган ошени ичадир”(184-бет)**
4. **Яхшилик қил дарёға ташла; балиқ билмаса, холик биладур”(159-бет)**
5. **”Ошени суст еган киши, ишда ҳам суст бўладир”(159-бет)**
6. **”Бир ўқ билан бир неча ишени қилмоқ”(158-бет)**
7. **”Қўли суст косибдан, оёғи чаққон гадои яхши”(157-бет)**
8. **”Мишиқ офтобга текин чиқмайдир”(151-бет)**
9. **”Паст ҳамиша пастлигини қиладир”(101-бет)**
10. **”Сут билан кирган-жон билан чиқар”(101-бет)**
12. **”Кўбчиликнинг дуоси кўл”(72-бет)**
13. **”Ёлғонни ҳам ямламай ютадиган”(71-бет)**
14. **”Қуш тилини қуш биладир”(49-бет)**
15. **”Лайлақлар ичида беаҳал ғуррак”.(47-бет)**
16. **”Ҳай етти, ҳуй етти, икки коски тўй етти”(13-бет)**
17. **”Думингга қумғон боғлаш”(196-бет)**
18. **”Егри тўнкага-егри тўқмоқ”.(196-бет)**
19. **”Хотин кишининг чархи билан ўчоғига тагма.(202-бет)**
20. **”Ийнани туядек, хосни харидек кўрасиз”(216-бет)**
21. **”Саллалик эшакларнинг диринглаши оғилхонагача”.(216-бет)**
22. **”Кесак отиб арслонни енгмоқчи бўлган”(216-бет)**

Хулоса қилиб айтганда адиб мақол ва маталларни ҳам қаҳрамон тилида сўзлатиб, халқ жонли сўзлашув тилидан, яъни шевага хос сўзлардан фойдаланиб юқори натижаларга

эришганлигини кўрамиз. Бизга маълуми, доно халқ ҳар бир сўзни ўйлаб, ҳайратда қоларли мантиқ билан айтган. Бу жиҳатдан ҳам боболар қолдирган мақолларни тезроқ тўплаш, кўпвариантли мақолларнинг бадиий жиҳатдан энг мукаммал, фикр томонидан энг чуқурини адабий тилга киритиш лозим. Мақолларга уни яратган кишиларнинг асрий турмуш тарзи, дунёқараши, урф-одати сингиб кетган бўлади. Демак, мақолларни тўплаш халқ тарихи, унинг касб-кори, тушунчаси билан ҳам ошно бўлиш имконини беради.

2.2.АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ РОМАНЛАРИДА ДИАЛЕКТИЗМЛАРНИНГ ЎРГАНИЛИШ ТАРИХИ

Ҳар бир ёзувчи бадиий асар устида ишлар экан, биринчи навбатда асар тилининг бой, ранг-баранг, тасвирий ва ифодавий, содда ва мазмундор бўлишига ҳаракат қилади. Чунки бадиий асар тилининг ширадорлиги унинг гўзал ва бадиийлигига, бадиий тўлақонлигига боғлиқдир. Шунга кўра, диалектизмлар ҳам ўз ўрнида маҳорат билан қўлланилса, ёзувчининг асар тили ширадорлигини, асар тилининг жозибадорлигини оширишдаги мақсадининг амалга ошишига сезиларли даражада ҳисса қўшади.

Маълумки, ўзбек тили таркибидаги шевалар турли хил. Шунга қарамай, асар воқеаси кечаётган ҳудуд вакиллари ҳам ана шу хилма-хил шеваларнинг бирига мансуб бўлади, албатта.

Ёзувчи воқеани баён қилар экан, ўз асарида шу территория кишиларига хос миллийликни баён қилар экан, ўз асарида шу территория кишиларига хос миллий колоритни беришда шу шевага хос миллий диалектизмлардан фойдаланади.

Худди мана шу ҳолни Қодирий асарларида, аниқроғи, “Ўткан кунлар” романида, шу романлар тили мисолида кўриш мумкин. Шу маънода, ёзувчи асарларида (“Ўткан кунлар” романида) воқеалар маълум бир территорияда бўлиб ўтади. Шу сабабли асарда ёзувчи томонидан маҳаллий колорит яратиш учун, асар қаҳрамонларининг тилида миллий ёки маҳаллий колоритни бериш учун шеваларнинг характерли хусусиятларини қўллаш қонуний бир ҳолдир.

Ўзбек тили таркибидаги шевалар турли хилдир. Шунга кўра асар воқеаси кечаётган территория кишиларига хос тил колоритини беришда шевага хос диалектизмлардан унумли ва ўринли фойдаланишга ҳаракат қилади.

Ижодкор бадиий асарда персонажлар нутқини индивидуаллаштириш, яъни персонажлар нутқининг жойга нисбатан ўзига хосликларини, маҳаллий колоритни бериш учун асар воқеаси кечаётган территория вакилларининг тилидан бадиий восити сифатида фойдаланадилар.

А.Қодирийнинг “Ўткан кунлар” асарида воқеалар, асосан, Фарғона ва Тошкентда кечади. Шунинг учун ҳам асарга киритилган айрим диалектизмлар ўзбек адабий тили таянч шеваларининг (Тошкент ва Фарғона) диалектал хусусиятларини ўзида акс эттиради.

Буюк сўз заргари, атоқли адиб Абдулла Қодирий ўз асарларини тили ишонарли бўлиши, жонли чиқиши учун диалектизмларнинг ҳар бир кўринишлари ва турларидан (фонетик, морфологик, синтактик ва лексик диалектизмлар) тўғри ва ўринли, айти пайтда, ўзгача бир меҳр ва маҳорат билан қўллай олган. Буни биз асар тилидан олинган мисоллар асосида кўриб чиқамиз.

1. Фонетик диалектизмлар.

Фонетик диалектизмлар бадиий асарда, асосан, кам қўлланилади. Чунки, асосан, фонетик диалектизмларда шевага хос бўлган товушлар системасини транскрипция орқалигина аниқ бериш мумкин. Бироқ ёзувчининг айрим асарларини ўқишимиз жараёнида фонетик диалектизмлардан ҳам бирмунча фойдаланганлигининг гувоҳи бўламиз.

Масалан:

Бу **махтовлар** билан терисига сиғмай кеткан Ҳасанали жавоб берди:

-Тошканд Беклар беги мадрасасининг пешқадам муллабаччаларидан эди, лекин уч йилча бўлди, хўжамиз мадрасадан олиб савдо ишига қўйдилар.(20)

Қутидор меҳмонларни жўнатиб ётиш учун **чешинар** экан, офтоб ойим сўради:

-Чиройлик йигит, ақлик йигит, деб **махтий-махтий** Тўйбеканинг ичаги узилди, у ким эди?(33)

-**Кўб** яшанг, бой ака. Кулингиз ҳам бу тўғрида **кўб** ўйладим.(41)

-**Маним** ҳам бирга борганим маъкулми ёки ёлғиз ўзингиз?(41)

-Сизга **куяв** ўғул муборак бўлсин.(47)

-Биладир, деди ойим, - унинг олдида биз жўрттага **куявни** махташамиз, лекин бу **махтовларни** эшитгуси келмай, қайтага йиғисиниғина ортдирадир.(52)

Қутидор келиб танчага ўлтурғач, ўзига “**амонатни** топширинг” деган каби қараб турган Кумушка хатни узатди:

-**Санга** хат. (263)

Ул Кумушдан мундай терс гапларни умрида биринчи мартаба эшитар эди.(341)

Эй-й,Содиқча, **сан** ҳали нимани кўрдинг-ку, нимангга ишондинг, бузок бўғузлагандек қилиб бир-иккитани суйган билан одам бўлдинг, қўйдингми?(242)

Юқорида биз кўриб чиққан мисолларимиздаги фонетик диалектизмлар турли хил кўринишда бўлиб келяпти. Бугина эмас, улар асар қаҳрамонларининг психологик нутқини ифодалаш учун маъно оттенкаларини ифодалашга, асар қаҳрамонлари характерини очишга хизмат қиляпти.

Баъзи ўринларда “е” товуши ўрнида “а” товуши ишлатилишига эътибор берилса, фикр яна ойдинлашади. Бу Тошкент шеваларида учровчи ҳодиса бўлиб ҳисобланади. Яна шу ўринда шу асарда бу ҳодисанинг аксини, яъни “а” товуши ўрнида баъзи ҳоллаода “е” ишлатилиши жараёни ҳам мавжуд. Масалан:

-Нега ҳолингиз паришон?

Зайнаб кулди:

-Нега паришон бўлсин?

-**Маним** кўзимга паришон кўринасиз.(367)

-Уйқудан сўл ёнингиз билан турибсиз,-деди.

-Чунки **маним** ўнг ёним билан турғизадирган кишим йўқ...(341)

Қутидор келиб танчага ўлтурғач, ўзига “амонатни топширинг” деган каби қараб турган Кумушка хатни узатди:

-**Санга** хат. (263)

Адабий нормада икки товуш ифодаладиган функцияни Тошкент шевасида бир товуш (қаерда-қатта) ифодалаш икки бирон товуш сўзларда орттирилиб талаффуз қилиниши (бизни-бизани) учраб туради. Биз келтирган барча мисоллар Қодирий романларидаги фонетик диалектизмлар ҳисобланади.

2. Морфологик диалектизмлар.

Асарда иккинчи шахс кўпликда қўлланилган эгалик аффиксининг -ингиз формаси ўрнига бирликдаги –инг формаси қўлланилган. Масалан: Майли, яна ўзларинг биласанлар.

Аниқ ўтган замон феълининг учинчи шахс кўплик формаси –нгиз қисқа учинчи шахсда ифодаланган.

- Аячи, ая, у куни ҳам минди. Кўчага чиқди. Сиз кўрмадиз.

“Олтин водийдан шабадалар” романида ясалиши жиҳатидан адабий тилдагидан фарқ қилувчи бир қанча сўзларни учратиш мумкин. Масалан: -каш аффикси орқали отдан от, феълда от ясалган ҳолатларни кўплаб учратамиз.

“Ёпирай, дарров эшита қолдингми? – деди Эрмат. – Роса чўтбоз бўлибсанда. Шошма ҳали қўлларим қанотини ёзгани йўқ. Мана бу термакаш Ўсаржонни четга обчиқиб туяман”.

“Ҳай, сен ваҳимакаш экансанку, - Ҳасанга ранжиб қаради Қоражонов, пилоткасини олиб, у билан тиззасига бир уриб, - белбоғини чечиб қўй-е”.

Аниқ маъно ифода қилувчи –дор аффикси отларга қўшилиб сифат ясайди ва сифат ясавчи –ли, -чан аффикслари бажарган функцияларни бажариб келади.

-Қассоб тайёр, ҳозир бўғизлат**сақ** бўлмайдими?

Ҳожи парвосиз**гина** қара**ган** бўлди.(309)

Ҳожи Ўзбек ойимнинг ёни**га** юриб келди ва секин сўради:

-Зайнаб хафа эмасми?

Асар тилида –**га** қўшимчаси ўрнида –**қа,-ға** қўшимчаси қўлланган ўринлар кўплаб учрайди. Масалан:

Хўрак ораси Отабек Зайнабдан сўраб, Кумушнинг ухлаб ёт**қанини** билди.(340)

-Биравга ата**ганим** йўқ, ахир биттаси кияр...Ўлтуринг.(335)

-**Чиқмаганимни** ҳам кўнглингизга олибсиз-да, - деди ниҳоят Зайнаб.(335)

Бошланишда **анчайин** ҳазилга ўхшаб кўринган бу **кинаҳонлиқ** кутилмаган жойда жиддий тус олиб кетди.(335)

3. Лексик диалектизмлар.

Асарларда учрайдиган диалектизмлар ичида энг кўпи лексик диалектизмлардир.

Ўзбек тилида қўлланлиб келувчи “она” сўзи, асосан, адабий тилга хос бўлиб, ўзбек тилининг кўпчилик шеваларида қўлланилади. Лекин шу билан бирга бу сўзнинг ўзбек тилининг ҳар бир диалектига хос бўлган тури диалектал синонимлари ҳам бадиий асарларда ўз аксини топган. Аммо уларнинг бадиий асар тилида қўлланилишини бир хилда деб бўлмайди. Аниқроғи, улар бир хилда қўлланилмайди. “Она” сўзининг диалектга хос

бўлган “ойи” синоними унинг адабий тилдаги вариантдан кейин кенг қўлланувчи синоним ҳисобланади.

Тошкент шевасида ҳам адабий тилдаги “она” сўзининг синоними “ойи” сўзи истеъмолда қўлланади.

...Зиё шоҳичининг кулиб айткан сўзларига қутидор сира ҳам тушинмас ва кутилган меҳмонларнинг келиш сабабини сўрамоқдан **ийманар** эди.(41)

Қизик гап, деб бир-икки қайта нос **отиб** олди.(41)

Зиё ака сўз **ўнқови** келганини пайқаб Ҳасаналининг жим туришига ишорат қилди ва ўзига жавоб берди.(42)

Қутидор **тўсиндан** муддаонинг ким ва нима тўғрисида бўлганлигини пайқаб қолди ва ўзига бир турлик ўнгайсизлик сездди.(42)

Бу сўздан Офтоб ойим **безонғлаб** тушти ва эрига қарши ризосизлик вазиятини олди:

-Мусофир-ку?! (45)

Ошиқиб оғзини пойлаган Офтоб ойимга қутидор бир илжайиб қўйди-да:

-Хотин, сен ҳали **эшикдаги** совчилардан хабарсиздирсан?-деди.(44)

Хўрак ораси Отабек Зайнабдан сўраб, Кумушнинг ухлаб ётқанини билди.(340)

-Бу от савдоси эмас, умр савдоси **буродар**,-деди Зиё ака, **янгамиз** билан **кенгашингиз**, Отабек ва отаси тўғриларида билганларингизни сўзлангиз, шундан кейин **хўб** ўйлашиб бизга жавоб берингиз.(44)

-Энди қандай **кенгаш** берасан, хотин?(46)

Зайнаб **тўпписини** қўйиб ўрнидан турди.(334)

Ҳасанали илжайган куйи қўлтуғидаги заррин **чопонни** олиб **санда**л устига қўйди.

-Бу қандай **чопон**?-деб сўради бек.(48)

Қутидор келиб **танчага** ўлтурғач, ўзига “амонатни топширинг” деган каби қараб турган Кумушка хатни узатди:

-Санга хат. (263)

Кумушбиби онаси билан **бибисининг** уйдан чиқишлари ила бошини **санда**лнинг кўрпасига буркаб, ётиб олди.(50)

-Қайғирма, Офтоб,-деди, куявинг бунчалик **сулук** бўлса, гап-сўзда тенги бўлмаса, ҳали чимилдиқда қизингнинг **печак гулдек**(чирмович ўти) бўлиб эрига чирмашқанини кўрармиз.(52)

-Биладир, деди ойим, - унинг олдида биз **жўрттага** куявни махташамиз, лекин бу махтовларни эшитгуси келмай, қайтага йиғисиниғина ортдирадир.(52)

Қутидор бир томондан даҳшатка тушса, иккинчи жиҳатдан Отабекнинг **дав** юрагига ҳайрон қолар эди.

Барибир эртага **жойсиз** чеккан қайғингиздан ўкинарсиз!- деди-да мажлисни ост-уст кулдириб юборди.(55)

Чиндан ҳам ул ёнида икки **янгаси** билан келган эди. Шу чоқда бизга Отабек керак эди! Нега десангиз ул келсин эди-да, суйганини бир кўрсин эди: ҳаммом билан ул... фақат жонғина сўрайдир, мажруҳ **кўкс**ларга ўққина отадир...Бошдағи оқ шоҳи **рўймол**, ичидаги оқ шоҳи **кўйнак**, устдаги оқ кумуш заррин сирилган пўстин, бағбақаларни ўраб ўпиб турган ёқа кундузларнинг келишкани, солиниб тушкан қора **жинггила** сочларнинг бўйин теварагига чирмашқани, хом нукра юзларнинг бўғриққани...(54)

Кумушбиби бошлағучи қизлар билан уйга кирди, ундан **онгқан** атир **ис**лари билан уй тўлди.(54)

Қизларга тўйхонадан ошлар, **таванлар** келиб тортилди. Ошдан кейин янгалар келиб, қизлардан Кумушни сўрадилар.(57)

-**Туппа-тузик**, - деди Ўзбек ойим,-ташқарингиздан Ойбодок қутилаёздими? (309)

-Ўғлинг қаёғда, кўринмайдими?

-Ташқарида эди-ку.

-**Боя** шуёққа киргандек бўлган эди.

-**Гузар-пузарга** чиқгандир,-деди Ўзбек ойим.(309)

-Дастурхонинг битдими, болам?-деб сўради.

-Битди. Ташқарининг асали камга ўхшайдир.

-Кам бўлса, даррав омбордан керагича олиб чиқ, ундан кейин хамирингга ўзинг қара, Ойбодоқнинг қўли тегмас, хамир **гуп** бериб кетибди,-деди ва **дарича**дан кўтарилиб дастурхонларни кузатди, дастурхонинг тузик, **варақини** эсингдан чиқарма,- деди ва ўрта йўлакда кўринган Юсуфбек ҳожининг ўзига имлади.-Бери келинг Юсуфбек ҳожи бошида оқ **тўпписи** ва эғнида оқ **олача тўни** билан белини боғлаган эди.
(309)

-Уйқудан **сўл** ёнингиз билан турибсиз,-деди.

-Чунки маним ўнг ёним билан турғизадирған кишим йўқ...(341)

Ошиб тушишнинг сира **ўнқови** йўқ.(241)

Асарда ёзувчи юқоридаги шевага хос сўзлардан фойдаланмасдан шу сўзларнинг адабий тилдаги шаклидан фойдаланса жумлалардаги жозибадорлик йўқолган бўлиб, у ғализ тузилган бўлар эди. Мухими, А.Қодирий асар қаҳрамони характери очишда персонаж нутқи, миллий тил колоритидан жуда усталик билан фойдаланади. Натижада, асар персонажлари табиийлиги, ўз нутқи, характери хусусиятлари билан бири-бирдан алоҳида ажралиб туради.

Яна шу ўринда айтиш керакки, юқорида қўлланилган ва келтирилган диалектизмларнинг маъносини бошқа сўз беролмас эди.

А.Қодирий ўз асарларида лексик диалектизмлардан анча кенг ва ўринли фойдалана олган. Бу эса асар тилининг жонли, жозибадор чиқишига ёрдам берган.

Қодирий халқ тили хазинасини пухта эгаллаган, ҳар бир сўзда “бомба каби портлата оладиган”, “гул сингари нафис, нозик, маънодор” қилиб қўллайдиган даражада ўзлаштирган. Шунинг учун адибнинг тасвирида ҳар бир сўзда ҳаётийлик мужассамдир. Ёзувчи сўзни тўғри маънода қўллаганда ҳам, кўчма маънода ишлатганда ҳам ўша тасвирнинг бутун асосини: даврни, вазиятни, воқеа давом этаётган ўринда, қаҳрамонлар савиясини назардан қочирмайди. Негаки, табиат ва жамиятдаги барча ҳодисалар узвий алоқадордир. А.Қодирий воқелик аломатларини туташтирган ҳолда назарда тутиши, ҳар бир сўзнинг табиийлигини таъминлаш билан тасвирнинг ҳаққонийлигига эришади. А.Қодирий давр руҳини, даврга хос айрим белгиларни аниқ предметлар воситасида ифодалаганидек, маънавий ҳаётда, қаҳрамонларнинг тафаккур дунёсида содир бўлаётган ўзгаришлар тасвирида ҳам мужассамлаштиради.

Ёзувчи ўтмиш ҳақида асар ёзар экан, ўзи яшаб турган даврга хос айрим тил хусусиятларини киритиш мумкин. Бунда халқ ҳаёти ва тилидаги етакчи омиллар ҳамда уларнинг қаламга олинган тарихий жараёнга мувофиқ келишини назарда тутиш керак. А.Қодирий бу масалада алоҳида сўзлардангина эмас, ҳатто сўз қисмларидан ҳам маҳорат билан фойдаланади. “Ўтган кунлар” романида **“бўзагар”**, **“мозористон”** сўзларини қўллаган. **Бўзагар** диалектал сўз. Халқ жонли тилида қўлланилади. Бўза тайёрловчи маъносини беради.

Тафаккур тил замирида рўй беради, инсоннинг фикри тил туфайли юзага чиқади. А.Қодирий асарларидаги асар қаҳрамонларидаги ўзгаришни ҳар бир ҳолат ёки ҳодисани тарихан ишонарли ифодалар экан, сўзларнинг ҳам унга мос тушишига, қаҳрамоннинг ўй-хаёли, хатти-ҳаракатида содир бўлаётган интилишларни ёрқин англатишга жиддий эътибор беради. Натижада унинг нутқи мазмунан пишиқлашиб, оҳанг, таъкид жиҳатидан ҳам ўзгара боради. Бу, албатта қаҳрамоннинг ички, маънавий дунёсининг нутқида зоҳир бўлишидир.

4. Синтактик диалектизмлар.

А.Қодирийнинг ”Ўтган кунлар” романида синтактик диалектизмлар кам бўлса-да, учраб туради. Синтактик диалектизмлар сўз бирикмаси ёки гапга тенг бўлиши мумкин:

-Мен топдим, хах шайтон!-деди Карима отин, **-қизил гулнинг ҳам ўз олдиға, оқ гулнинг ҳам ўз олдиға иси бор**, демакчи!(325)

Ёзувчи асарларида баъзи диалектизмлар учрайди. Булар шу диалект вакиллариининг моддий ҳаёт шароитлари, шу шева мавжуд бўлган территориянинг иқтисодий ривожига билан боғлиқ.

Булардан ташқари, асарларда шеваларга хос бўлган турган бирикмалар сўз формаларининг торайиши ва кенгайиши сингари ҳолатлар учраб туради.

Масалан: Қўлни ўз кўмагига тортмоқ, оғзини мойламоқ, отхонада, заргар каби турган бирикмалар.

Сениям – (сени ҳам)

Бўпти – (бўлибди)

Буям – (бу ҳам) сўзларида учрагани каби маъно торайиши ҳоллари кўзга ташланади.

Ёзувчи диалектизмларни асарга киритишда, уларнинг маъноларини очиб беришда ҳам турли хил усуллардан фойдаланган, муаллиф диалектизмларни кўпинча нутқ ичига киритиб юборади.

Асардаги диалектизмларнинг ҳаммаси ҳам танланган ва ўз ўрнида ишлатилган деб бўлмайди, албатта. Ёзувчи диалектизмлардан фойдаланар экан, асар воқеалари Фарғонада кечаётган бўлса ҳам персонажлар нутқида баъзан ўзи мансуб бўлган диалект (Тошкент диалекти)нинг сўз ва ибораларини қўшиб юборадик, бу персонажларнинг жойга нисбатан тилдаги ўзига хосликларни аралаштириб юборади ва уларнинг маъно хусусиятларини фарқлашга тўсқинлик қилади.

Тошкент диалектига хос танча, узоқ-ёвуқ, ҳечқиси йўқ, токи сўзлари Фарғона диалектида ишлатилмайди ёки бошқача тарзда ишлатилади.

Масалан: сандал, имқўқ, каби.

Айрим ўринларда ёзувчи муаллиф нутқида ҳам диалект формаларини қўшиб юборади:

дуппи, духоба, саримой кабилар.

Масалан: “Унинг эғнида оддий оқ шоҳи кўйнак, бошида дўппи, оёқларида пошнасиэ этикча”.

Золнинг тўрида, кичкина **халдор** бир эшикча ёнида, атлас кўрпача устида ўн беш ёшлар чамалиқ, қизил **духобадан** кийинган кўркам бир ўғлон палов еб турар эди.(68)

-Йўқ, деди Ўзбек ойим, **ош эгаси билан ширин**.(309)

Шевага хос сўзларни қўллаш натижасида ўша асар қаҳрамонларининг характерлари яққол очиб берилган. Демак, бу, энг аввало адибнинг тасвирда диалектизмларда ўринли фойдаланганлигининг оқибатидир.

2.3.ХАЛҚ ТИЛИНИНГ ҚУДРАТИ ЧЕКСИЗ.

Абдулла Қодирий бугунги кун учун тарихий сиймо ва унинг “Ўткан кунлар”, “Меҳробдан чаён романлари худди А.Навоий ромаенлари сингари Адабий ёдгорлик мақомидадир. Адабий ёдгорликнини ҳар бир сўзинигина эмас, балки ҳар бир ҳарфини ҳам даҳлсиз, асраш ва авайлашни талаб этадиган инжулардир. Абдулла Қодирийнинг ушбу романлари, асримизнинг йигирманчи йилларидаги ўзбек адабий тилининг сўз бойлиги, нафосати, ҳиди, товушлари оламини ўзида мужассамлаштирган бадиий обидадир. Гап шундаки, 20-йиллар ўзбек адабий тилида оғзаки ва ёзма нутқ бир-бирига ҳозиргига нисбатан ҳам яқинроқ экан. Ҳозир эса чунончи “ўткан-кеткан” деймиз-у, имлода “ўтган-кетган” тарзида ёзамиз ва ҳоказо. Романдаги воқеаларнинг XIX аср ўрталарида Тошкент ва Марғилонда кечганлигини ҳисобга олсак, асар тилининг XX асрнинг 90 йиллари имлосига мувофиқлаштиришнинг ўзи ғайримантикий бир ҳол эканлигини англаймиз. Асарни ўқиш жараёнида ўқувчи шунга амин бўладики, аслиятга садоқат ҳатто товуш йўсини, сўз ва гап қурилишига амал қилиш асар тилига ўзига хос шира, таъсирчанлик ва жозиба бағишлаган. Гўё биз А.Қодирийнинг ўз товушини тинглаётгандек бўламиз. Бу икки шоҳ асар матни ўзбек адабий тилининг 20-йиллардаги асл қиёфасини ўрганиш учун муҳим адабий манба бўлиб хизмат қилади. **(В.Раҳмонов)**

Халқ тилидаги ҳар бир сўз маълум ҳолатни қамрайди, англатади. Ёзувчи тасвирлаётган объектни ёрқинроқ, мукамалроқ кўрсатиш учун ҳар бир сўзга ижодий ёндошади, тил хазинасини ахтариб, мос тушадиганини қўллайди. Бу жиҳатдан халқ тилининг чиқиндиси йўқ. Ундаги ҳар бир восита эҳтиёжни қондириш учун хизмат қилишга қодир. Мисол учун ҳақорат, бировни камситиш учун ишлатиладиган сўзларни олайлик. Бундай қараганда, бу сўзлар маданиятсизликни, фаросатнинг етарли эмаслигини кўрсатадиган воситалардан биридай туюлади. Аммо булар бадиий асарда

қатнашиш ҳуқиқидан маҳрум эмас. Ёзувчи бундай сўзларни қўллаш учун вазиятни шундай етилтириши керакки, натижада бундан бошқа сўзни қўллаш имконсиз бўлиб қолсин.

Демак, баъзи якка сўз ҳам қаҳрамоннинг ўзгаришини англатади. Лекин такрор айтамикки, бу сўз янги бўлиши шарт эмас, айти вақтда у қаҳрамон нутқини бутунлай ўзгартириб ҳам юбормайди. А.Қодирий халқ тилида мавжуд сўзларни қўллашда уларга давр ва вазият, қаҳрамонлар савияси нуқтаи назаридан ана шундай санъаткорлик билан ёндошади ва уларнинг асардаги функциясини тайин этади. Натижада ҳар бир сўз сафдаги зобит каби асарда муқим равишда ўрин олади.

Демак, қаҳрамоннинг ўсиб, ўзгаришини фақат янги сўзларда деб билиш тўғри эмас. Асрлар давомида қўлланилиб келаётган сўзларимиз ўзида кекса тарих муҳирини мужасамлаштириш билан бирга, қаҳрамон қиёфасидаги ўзгаришни тўла аниқлашга ҳам қодир. А.Қодирий буни ёрқин намоён этган.

Бадиий ижод жараёни ғоят мураккабдир. Санъаткор ҳаётининг ҳодисани тўлиқ, мукаммал аниқлаш учун, ҳолатни ёрқинроқ акс эттириш учун барча воситаларни танлайди, саралайди. Унинг “вульгар” сўзларни ишлатиши ҳам ана шу ижод жараёнининг тақозосидир. Гап ана шу воситаларнинг қандай ишлатилишидандир. Шунга кўра, ёзувчининг бу борадаги меҳнатининг ўринли ёки ўринсизлиги ҳақида ҳулоса чиқариш учун қаламга олинган объектни, тасвирланаётган ҳолатни ва “вульгар” сўзнинг бу ҳолатга қанчалик мослигини, стилистик қуршовга қанчалик сингиб кетишини тўла аниқлаш, тушуниш керак.

Бундай воситалар салбий образлар нутқида ҳам қўлланиши мумкин. Бу борадаги санъати шундаки, у ижобий қаҳрамонлар нутқида бундай сўзларни қўллаш билан китобхонда қониқиш ҳиссини пайдо қилса, салбий образлар нутқида, аксинча, уларга нисбатан нафрат уйғотади.

Қаҳрамон нутқида инсоннинг қиёфаси, маънавий дунёси, интилиши, хуллас, унинг олий мавжудод сифатидаги хусусиятлари мужассам ҳолда намоён бўлади. Табиий, бирор киши иккинчи кишига ташқи томондан мутлоқ ўхшамаганидек, маънавий дунё жиҳатидан ҳам айнан ўхшашлиги бўлмайди. Бу ҳолат уларнинг нутқида ҳам ўз ифодасини топади, бир кишини иккинчисидан нутқ жиҳатидан ажратиб турган нарса уларнинг мустақиллик белгиси бўлган ана шу ҳолатлардир.

Адиб ўз қаҳрамонлари нутқини яратишда ана шу ўзига хосликни асосга олади. Шу жиҳатдан нутқ қаҳрамон учун, унинг хатти – ҳаракати учун кўзгу ролини ўтайди. Ёзувчининг санъати нутқни ана шу даражада табиий яратишда намоён бўлади. Бу жиҳатдан ижобий образга ҳам, салбий образга ҳам ёзувчи бирдай меҳнат сарфлайди. Чунки ёзувчи ижобий образга муҳаббатини, салбий образга нафратини ошкора баён этмасдан, бадиий тасвир якунидан келтириб чиқариши керак. Демак, нутқда қаҳрамоннинг тутган ўрнини, мавқеини яққол акс эттиришгина унинг бадиий образ сифатидаги мукамаллиги, яхлитлигини таъминлайди. Бу ижобий образ яратишга ҳам, салбий образ яратишга ҳам тегишлидир.

I11БОВ. ОНА ТИЛИ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ДИАЛЕКТИЗМЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Мактабларда она тили ўқитишнинг мақсади ўқувчиларни тўла саводли қилишдан иборат.

“Она тили, - деган эди улуғ рус педагоги К.Д. Ушинский, - ҳар қандай тараққиётнинг асоси, бутун билимларнинг хазинасидир. Ҳар қандай тушуниш ундан бошланади, у орқали ўтади ва унга қайтади”.

Ҳар бир она тили ўқитувчиси ўқувчиларга грамматикадан мустаҳкам билимлар бериши уларда тўғри, оғзаки ва ёзма нутқ малакаларини ҳосил қилиши ва олинган билим ҳамда кўникмаларни турмушга тадбиқ қила олишга ўрганиш лозим.

Қишлоқ мактабларида, ўқувчиларда жуда кўп учрайдиган Она тили дарслигида фақатгина диалектизмларни оғзаки ва ёзма нутқдан бартараф қилиш йўллари ўрганиб қолмай, бирон бир тушунча ифодалаш қийин бўлса, у ҳолда бу тушунчани ифодаловчи сўз шеваларда учраса бу сўзларни адабий тилда қўллаш натижасида ўзбек адабий тили луғат таркибининг кенгайиши, бойиши ҳақида ҳам ўқувчиларга тушунча бериш лозим.

Кўпинча ўқитувчилар ўқувчилар берган жавобларнинг мазмунигагина эътибор берадилар, талаффузидаги нуқсонлар эса батамом эътибордан четда қолади. Ўқувчиларга она тилидан дарс бериш, уларнинг оғзаки ва ёзма нутқ малакаларини тарбиялаш масаласи бирданига ёки бира тўла ҳал қилиниши оғир. Чунки ўқувчиларда адабий тил, адабий тилда талаффуз қилиш ва уни

ўрганиш кўникмалари аста-секинлик билан юзага келади. Шу сабабли она тили ўқитувчиларнинг дарс жараёнидаги масъулияти юксак ва қадрлидир.

Ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқлари адабий тил нормалари, орфоэпия-тўғри талаффуз қилиш нормалари асосида тадрижий, кетма-кетлилик билан амалга ошириша боради.

Адабиёт дарсларида ҳам ўқувчиларнинг нутқ саводхонлигини ошириш ўқитувчининг диққат марказида туриши лозим.

Она тили дарсларининг тарбиявий эстетик қиммати ўқувчиларда ўз она тилисига хавасини орттириш, эътиқодини тарбиялашдир. Бу эса ўз навбатида ўқувчиларда ўз миллий халқига эътиқод миллий ўлкаси, она юртига эътиқод туйғуларини уйғотиш – бугунги ўқувчиларни давримизнинг, миллатимизнинг, мустақил халқимизнинг фарзандларини эътиқодли ва садоқати юксак кишиси қилиб тарбиялашни тақозо этади.

Ўқитувчи ҳар қандай шароитда ҳам ўзбек адабий тили талаффузи нормаларига қатъий амал қилиши, унинг нутқи наъмунавий нутқ сифатида ўқувчиларнинг эътиборини ўзига тортиши лозим. Демак, ўқитувчининг ўзбек адабий тилида соф талаффуз қилиш иқтидори она тили дарсларида ўқувчилар нутқини миллий унсурлардан, диалектал қусурлардан қутилишга ёрдам беради. Ўзбек тилида, миллий адабий тилда тўғри равон, ширали гапира олмаган она тили ўқитувчиси ёш авлодни тарбиялашга, эстетик идеаллар руҳида ўстиришга қодир эмас! Бу ҳол она тили ўқитувчисининг

маънавий фожеасидир. Яна шунга эришиш лозимки, ўқувчилар маҳаллий диалектларга хос бўлган сўз ва грамматик формаларни ўқитувчилардан ҳеч қачон эшитмаслиги керак. Агар ўқитувчи адабий тил талаффуз нормаларини тўғри ўзлаштириб, амалда унга тўла риоя қилса, ўқувчилар учун ўзлари ўрганиши лозим бўлган тўғри нутқни ўзлаштиришга шароит яратилган бўлади.

Айниқса, ўқувчиларда ўқитувчига эргашиш, унга тақлид қилиш, унга ўхшаб гапиришга интилиш кучли бўлади.

Имлода диалектал хатоларга йўл қўймайдиган ўқувчининг ҳамма вақт ҳам оғзаки нутқда шева хусусиятларидан қутилган деб бўлмайди.

Ўқувчиларга орфоэпик нормаларни, тўғри талаффуз қилиш нормаларини, энг аввало, фонетика воситасида ўргатилади. Фонетикани ўрганиш жараёнида ўқувчилар харф билан товушнинг фарқини билиб олишадилар.

Нутқдаги орфоэпик, диалектал камчиликларни бартараф қилиш учун ўқитувчи бир неча усулларни қўллаш ва энг ўнғай дарс формасини кўпроқ қўллаши лозим бўлади.

Турли хил текстларни, матнларни, айрим парчаларни, болалар ёши қобилияти, ўзлаштириш савиясига қараб, ёдлатиб, адабий талаффуз нормаларига риоя қилган ҳолда айттириши керак.

Асар матнидаги нотўғри талаффуз қилган жойларни топиб, алоҳида белгилаб, айтилишига кўра ёзиб кейин хатони аниқлаш фойдалидир. Бу ўринда таъкидлаш лозим, ўқитувчи она тили дарсларини кўпроқ кўргазмалилик асосида ўтиши, ўқувчиларнинг расмларга қараб оғзаки нутқ равонлигини, соф талаффузини тарбиялашга эътиборни қаратиши мақсадга мувофиқдир.

Муҳими, кўпроқ ўқувчиларни расмлар асосида ҳикоя қилишга, қайта ҳикоя қилишга ўрганиш яхши натижалар беради. Агар ўқувчи ўзининг қайта ҳикояси асосида ёзма нутқини ўстиришга киришса, бу ўқитувчининг педагогик ишини осонлаштиришга олиб келади. Шундай экан, худди шу типдаги топшириқларни ўқувчиларга уй топшириқлари сифатида топшириш ва унинг бажарилишини кундалик дарсларда кузатиб бориши лозим.

Ўқувчиларда диалектал орфографик хатоларнинг учраши, ўқувчилар ёзма нутқининг яхши ривожланмаганидан далолат беради.

Ўқувчилар диалектал хатоларни қуйидаги ҳолатларда содир қиладилар:

1.Сўз бевосита шева таъсирида ёзилиб, адабий тилнинг орфоэпик ва орфографик қоидаларига мос келмайди. Масалан: айоқ-оёқ, гужа-жўжа кабилар.

Буни бартараф қилиш учун ўқувчиларга кўпроқ рўзномаларни ўқиб бериш, ўқитиб бориш тавсия этилади.

Бизнинг ёзувимиз унчалик қулай бўлмаганлиги сабабли ҳам кўпроқ ўқувчиларда шундай хатолар содир бўлишига олиб келади.

2.Хато ёзилган сўз адабий тилнинг орфоэпик нормаларига мос келади., лекин орфография нормаларига зид бўлади:

Масалан: озот-озод, китоп-китоб, мактап-мактаб, кабилар.

Ўқувчиларни адабий талаффуз нормаларига ўргатиш уларнинг диалектал хатоларини тугатишнинг асосий йўлидир. Айрим диалектал хатоларни тугатиш учун махсус машқлар ўтказиш ҳам тавсия этилади.

Бунда кўпроқ ёзма ишларнинг ижодий диктант туридан ёки кўчириб ёзиш усулидан фойдаланиш керак.

Ўқувчилар талаффузидаги диалект таъсирини бартараф қилиш учун ҳар бир дарсда ўқитувчи адабий тил нормаларига маҳаллий шевадаги формалар мос келмаслигини уқтириб ўтиш керак.

Масалан: келишик кўшимчаларини ўрганаётганда адабий тилга шевадаги формалар сўзларни турлаганда ҳам тўғри келмаслигини тушунтириб бериши лозим.

Яна ўқувчилардан ёзма ишда хато қилган сўзларини хатолигича (диалектал хато) доскага ёзиб, унда йўл қўйилган хатони адабий тилда қандай тўғри бўлишини кўрсатиш ва изоҳлаш лозим.

Диалектал хатоларни тугатиш устида ишланар экан, кўпроқ талаффузи қийин бўлган сўзларни ҳам диалектал шаклини ҳам адабий талаффузидагини қиёслаган ҳолда ёзиб жадваллар тузишса жуда катта аҳамиятга эга бўлади. Чунки ўқувчи онгида тез эсда қолади. Бир-биридан фарқи (қайси тўғри-ю, қайси нотўғри эканлиги). Бола нутқидаги диалектал хатоларни йўқотиб адабий тилда сўзлашга ўргатишни кўпроқ ёшликдан бошлаш керак.

Чунки кичик ёшдаги ўқувчилар ўз нутқидаги диалектал хусусиятларни тез унутади.

Ёши катта бўлавергани сари ўқувчи нутқидаги диалектал хусусиятлар барқарорлашиб боради.

ХУЛОСА

Буюк сўзшунос Абдулла Қодирийнинг “Ўтган кунлар” романининг тил хусусиятлари мисолида ёзувчининг сўз қўллашдаги маҳоратини, асардаги образларни яратиш, характер чизиш, асар персонажлари характерини очишда диалектал сўзлардан фойдалана олиш имконияти, аниқроғи, ёзувчининг сўз қўллашдаги ўзига хосликни, маҳоратни аниқлашга ва сўз санъати хусусида фикр юритишга ҳаракат қилдик.

Абдулла Қодирий бугунги кун учун тарихий сиймо ва унинг “Ўткан кунлар”, “Меҳробдан чаён романлари худди А.Навоий романлари сингари адабий ёдгорлик мақомадир. Адабий ёдгорликнини ҳар бир сўзигина эмас, ҳар бир ҳарфи ҳам дахлсиз, асраш ва авайлашни талаб этадиган инжулардир. Абдулла Қодирийнинг ушбу романлари, асримизнинг йигирманчи йилларидаги ўзбек адабий тилининг сўз бойлиги, нафосати, ҳиди, товушлари оламини ўзида мужассамлаштирган бадиий обидадир. Гап шундаки, 20-йиллар ўзбек адабий тилида оғзаки ва ёзма нутқ бир-бирига ҳозиргига нисбатан ҳам яқинроқ экан. Ҳозир эса чунончи “ўткан-кеткан” деймиз-у, имлода “ўтган-кетган” тарзида ёзамиз ва ҳоказо. Романдаги воқеаларнинг XIX аср ўрталарида Тошкент ва Марғилонда кечганлигини ҳисобга олсак, асар тилининг XX асрнинг 90 йиллари имлосига мувофиқлаштиришнинг ўзи ғайримантикий бир ҳол эканлигини англаймиз. Асарни ўқиш жараёнида ўқувчи шунга амин бўладики, аслиятга садоқат ҳатто товуш йўсини, сўз ва гап қурилишига амал қилиш асар тилига ўзига хос шира, таъсирчанлик ва жозиба бағишлаган. Гўё биз А.Қодирийнинг ўз товушини тинглаётгандек бўламиз. Бу икки шоҳ асар матни ўзбек адабий тилининг 20-йиллардаги асл қиёфасини ўрганиш учун муҳим адабий манба бўлиб хизмат қилади. (В.Раҳмонов)

“Ўтган кунлар” асарини ўрганиш ва таҳлил қилиш жараёнида роман қаҳрамонлари тилининг халқ тилига яқинлигини кўрдик. Асарда Отабек, Кумуш образларининг характер хусусиятлари ёрқин кўзга ташланади. Ёзувчи романда салбий типлар яратишга ҳам катта эътибор берган. Хомид..... образли нутқи ҳам характерлидир.

Қодирий раманларининг тили содда, маънодор. Ўқувчининг ишонувига ўнғай. Образли ва ифодали. Персонажлар тили ўзига хослиги билан бир-биридан кескин ажралиб туради.

Асар қаҳрамонлари нутқида қўлланилган диалектал-шевага хос сўзларнинг қўлланилиши ёзувчи маҳоратининг беқиёс юксалганини кўрсатади. Автор географик жойлар, одамларнинг аҳволи, оилавий шароити ҳақида, касб-кори ҳақида маълумот бермайди. Китобхон асарни ўқиш жараёнида персонажларнинг нутқий характеристикаси орқали керакли маълумотлар билан, асосий қаҳрамонлар характери билан танишиб боради ва уларнинг қисмини кўздан қочирмайди. Мана шу фактларнинг ўзиёқ ёзувчи Қодирий бадиий маҳорати, ижодий камолоти, қолаверса, ўзбек адабиётининг тараққиёти ҳақида мушоҳада юритишга кенг имконият ва бой материал беради.

А.Қодирийнинг “Ўткан кунлар” асарини кўриб чиқдик. Мазкур асарнинг тили лексик жиҳатдан ранг-баранг ва бойдир. Булар инкор этиб бўлмайдиган фактлардир.

Адиб бир асарида Тошкент шеваларига хос бўлган сўзлар диалектизмлардан, иккинчи асарида Фарғона шеваларига хос бўлган диалектизмлардан тўғри ва ўринли фойдаланганлиги натижасида асарнинг тили таъсирчан, жонли, жозибали ва ишонарли чиққан.

Асарда шеваларнинг энг муҳим фонетик – морфологик хусусиятлари ўз аксини топган.

Ўзбек тилшунослигида ва адабиётшунослигида бадиий асар тилини ўрганиш бўйича қатор ишлар қилинганлигига қарамай, бу муаммо ўзбек тилшунослигининг ҳам, адабиётшунослигининг ҳам актуал масалаларидан биридир.

Айниқса, айрим олинган асарнинг тил хусусиятлари, унинг лексик қатлами, ундаги диалектизмларни ўрганиш, диалектизмларнинг бадиий асар тилида тутган ўрнини белгилаш энг зарур масалаларидан биридир.

Қодирий ромонларида учраган диалектал сўзлар – диалектизмлар асар тилининг таъсирчанлигини таъминлашда унинг халқчил бўлишида катта рол ўйнаган. Ёзувчи ромонлари персонажлари нутқининг жойга нисбатан тилдаги мосликни очишда, асар қаҳрамонларининг психологияси, турмуш тарзи, маданияти ва санъатини тасвирлашда диалектизмлардан ўринли фойдалана олган.

Асарда ортиқча ёки ноўрин, мақсадсиз ишлатилган диалектизмлар йўқ, одатда ё маҳаллий колоритни ифодалаш ёки персонажнинг қаерга таалуқли эканлигини билдириш, воқеалар – ҳодисаларни ўша даврга хос равишда аниқ тасвирлаш учун хизмат қилган.

Шунингдек, диалектизмлар бадиий асарда стилистик ранг-барангликни таъминлаш, нутқнинг эмоционаллигини ошириш, асар тилининг синонимик қаторини бойитиш кабилар учун ҳам катта аҳамиятга эгадир. Диалектизмлар бадиий асарда ўринли қўлланган тақдирдагина асар ғоясини ёритишда ва воқеликни ҳаққоний тасвирлашда ёзувчига хизмат қилиши мумкин.

Аксинча, бундай сўзлардан ўринсиз, кераксиз ва ортиқча фойдаланиш асар тилига путур етказади, уни тил жиҳатдан хиралаштиради.

А.Қодирий ўзининг биз текширган, биз ўрганган икки асарида диалектизмдан анча кенг ва ўринли фойдаланган.

Ёзувчи диалектизмларни асар персонажлари характери очиш, асар ғоясини йўналтириш мақсадида ўз ўрнида қўллаган ва уларга маълум стилистик функция юклаган.

Асар тилида диалектизмларни қўллаш билан ёзувчи биринчидан, тўлақонли характерлар ярата олган, иккинчидан, маҳаллий колоритни тўла бера олган. Учинчидан, асар тилининг жонли чиқишини, таъсирчан бўлишини таъмин этган. Тўртинчидан, асарнинг халқчил бўлишига эришган.

Ўзбек адабиёти, ўзбек прозасининг тараққиётига сезиларли даражада катта улуш қўшган атоқли адаб Қодирий асарлари тилини ҳар жиҳатдан ўрганиш, маҳаллий халқ тили, жонли тил элементларининг қайта ишланиши, ўзбек адабий тили бўйқдорлигининг ошишига қўшган хизматларини талқин этиш лингвистик моҳиятга эга. Биз ўз ишимизда ёзувчи бадиий маҳоратини, ўз асарларида маҳаллий диалектизмларни қўллаш санъатини ўрганишга ҳаракат қилдик.

А. Қодирийнинг “Ўтган кунлар” романи тил хусусиятлари ёзувчи бадиий маҳоратининг юксакликка кўтарилганини, ёзувчи ижодий тажрибасининг ўсганлигини кўрсатишга хизмат қилади.

“Ўтган кунлар” романида муаллиф халқ жонли тили имкониятларидан шу қадар усталик билан фойдаланганки, роман тили, ромондаги асосий қаҳрамонлар нутқий характеристикаси ёрқин, жозибали ва ишонарли чиққан.

Абдулла Қодирий асарлари тили, асардаги қаҳрамонларнинг ўзига хос хусусиятлари, тил жиҳатдан пухта ишланган. Ёзувчи ҳар бир сўзга, ҳар бир сўзнинг маъно ифодалаш хизматида, ўрнига катта эътибор берган.

Қодирий асарларида диалектизмлардан фойдаланиш, персонажлар тилини ишлаш маҳоратини ўрганиш ҳар жиҳатдан мақсадга мувофиқдир.

1. А.Қодирийнинг сўз қўллаш маҳорати ҳақида ўз замондошлари ва кейинги авлод адабиётшунослари томонидан муносиб фикрлар

билдирилган. Бироқ тил бадий тафаккур маҳсули ифодаловчиси экан, адиб ижодининг улуғворлигини таъминловчи асосий воситадан бири сифатида унинг тил имкониятларидан фойдаланиш маҳоратини чуқур ва атрофлича ўрганиш долзарб масала бўлиб қолмоқда. Айниқса, адибнинг индивидуал нутқига атрофлича баҳо бериш амалий аҳамиятга эга.

2.Лисоний ҳодисаларни илмий ўрганиш замон билан ҳамқадам ривожланади. Шунга мувофиқ равишда, ҳар бир даврда ўрганиш объектининг янгидан-янги қирралари намоён бўлади.

3.А.Қодирий моҳир сўз санъаткори сифатида ўз ижодида тил ва маънавият, маданият муштараклигининг уйғун ҳолдаги кўринишларини намоён қилиб, ўзбек маънавияти, миллий ибо, назокат ва андишани гўзал ва дилбар тилимизда ифода этиш маҳоратини намойиш этди.

4.Адиб асарларида халқ жонли тилини ифодаловчи воситалар ранг-баранг кўринишларга эга. Уларни маълум бир муҳим белгилар асосида турли томондан таснифлаш-адиб маҳоратини очишнинг ибтидоси. Қодирий асарларида қўлланган халқ жонли тили воситаларининг мавзувий ранг-баранглиги, семантик кўламдорлиги, шаклий хилма-хиллиги тасниф жараёнида муайянлашди.

5.А.Қодирий халқ жонли тили воситаларини ўз ўрнида моҳирлик билан қўллаб, ҳар бир ҳодиса, шахс, воқелик ва унга ўз муносабати тасвирда гўзал воситалар танлайди. Натижада воқеа-ҳодисалар, шахснинг ички ва ташқи қиёфаси ҳамда адибнинг уларга бадий-эстетик муносабати таъсирли ифодаланади.

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Тошкент, Ўзбекистон, 1999, 682 бет.
2. Каримов И.А. Халқимизнинг йўли мустақиллик, озодлик ва туб ислохатлар йўлидир. Тошкент, Ўзбекистон, 1996, 153 бет.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аерга интилмоқда. Тошкент, Ўзбекистон, 2000, 350 бет.
4. А. Авлоний. Танланган асарлар. 1 жилд. Тошкент, Маънавият, 1998, 270 бет.
5. 11. А. Авлоний. Танланган асарлар. 1 жилд. Тошкент. Маънавият. 1998. 302 бет
6. Абдуллаев Ф. Узбек тили лексикасининг баъзи бир масалаларига доир. Тил ва адабиёт институти асарлари. Тошкент, 1949.
7. Абдурахмонов Н. Ўзбек тилида жуфт сўзлар. Самарқанд, 1969, 168 бет. Алиев А. Абдулла Қодирий. - Т., 1967;
8. Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. Тошкент. Фан. 1985. 199 бет.
9. Бобониёзов А. А. Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романида тасвирий воситалар ва тил бадиияти: Филол. фанлари номзоди ... дисс. - Т., 1995;
10. Дониёров Х. Қипчоқ диалектларининг лексикаси. Тошкент, 1979
11. Дониёров Р. Узбек тили илмий-техникавий терминологиясини тартибга солишнинг айрим масалалари.- «Узбек гили ва адабиёти» 1979, 3-сон.
12. Жамолхонов Ҳ. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент, 2004, 1 – қисм.
13. Насриддинов Ф. Адибнинг йўли. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1971
14. Турсунов У. , Мухторов Ж., Раҳматуллаева 111. Ҳозирги ўзбек адабий

- тили. Тошкент, 1975, 367 бет.
- 15.Турсунова Т. Ўзбек тили амалий санъати лексикаси. Тошкент, 1978.
 - 16.Тўйчибоев Б. Ўзбек тилининг тараққиёт босқичлари.-Т.: «Ўқитувчи», 1996, 7-б
 - 17.Фахри Камол. Ҳозирги замон ўзбек тили. Тошкент, 1953.
 - 18.Маматов Н. Ўзбек тилида қўшма сўзлар. Тошкент, 1982. Мирзаев И. Абдулла Қодирий. - Т.: Фан, 1975;
 - 19.Муҳаммаджонова Г. Ўзбек тили лексикаси тараққиётининг баъзи масалалари. Тошкент.
 - 20.Пинхасов Я. Ҳозирги замон ўзбек тили лексикаси. Тошкент, 1960,167 б
 21. Решетов В.В., Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек диалектологияси.-Т.: «Ўқитувчи», 1978,42-б.
 22. Собиров О. Сарчашма адиб ижодида. - Т., 1975.
 23. Самадов Қ. Ойбекнинг тил маҳорати. Тошкент, 1981 йил.99 бет.
 24. Самадов Қ. Ойбекнинг сўз давлати. Гулистон, 1993 йил, 31 бет.
 - 25.Қўшжонов М. А.Қодирийнинг тасвирлаш санъати. - Т.: Фан, 1966.
 - 26.Норматов У. Қодирий боғи. - Т., 1995.
 27. Ўзбек халқ мақоллари. Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1989. 92-бет. " Ўша асар . 304 бет.
 28. Ҳикматлар хазинаси. Т., Ёш гвардия. 1977. 106 бет.
 - 29.Ҳожиёв А. Ҳозирги ўзбек тилида форма ясалиши. Тошкент, 1979.
 30. Ғуломов А.Ғ. Ўзбек тилида сўз яшаш йўллари ҳақида. Тил ва адабиёти институти асарлари. Ўзбек тили грамматикасидан материаллар. 1 китоб. Т., Фан. 1949. 39-бет.
 - 31.Қодирова Хуршида Батировна.А.Қодирийнинг эвфемизм ва дисфемизмлардан фойдаланиш маҳорати.(Автореферат)Тошкент 2012
 - 32.Т.Бобоев. Адабиётшунослик асослари 156 бет

Илова

1.Нега бу ерда **тегирмончининг ишсиз қолган эшшагидек** жунжайиб ўлтурибсан, Содиқ?-деди бир йигит.(182)

2.-Содиқ!-деди ҳалиги йигит ва Содиқдан “ҳа” жавобини олғач, бурнингми Рисолат холамнинг **рапидаси**?-деди(182) (енча-нон узадиган, енгса)

3.-**Жур**, базмга!

-Қанақа базмга?

-Шамшодбекнинг базмига, ҳали Шамшодбекнинг тўйидан хабаринг йўқми? Жур, Содиқ жияним, **башарангми дўлда қолган таппими**?

4.Ҳасанали хат олғани борғанида отхонада кўрган қора тўриқ отни таниғани он қўлтуғига кириб олган рўдаподан қутилишига тиришиб боқди, лекин уҳдасидан чиқолмағач, кўзини йиртқичларча чахчайтириб “**ит эмган даъюс!**” деди қўлтуғидаги жонлик кишанга...(ЎК.183)

5.Ҳалиги муштумзўр йигит уни бир туртдида: “**Юр, юр, итбачча**, жинни-минни бўлдингми? Деб судрай бошлади, бошқалар ҳам унга чуғурчикдек ёпишдилар. (ЎК.183)

6.Эй-й, Содиқча, **сан** ҳали нимани кўрдинг-ку, нимангга ишондинг, бузоқ бўғузлагандек қилиб бир-иккитани суйган билан одам бўлдинг, кўйдингми?(242)

7.-Жуда яхши экан.Бўлмаса томига **шоти** етармикан?

Жаннат опа:

-Қих, жуда **балан**.

-**Балан** бўлса зарари йўқ, осони уйнинг тегидан тешамиз, қўямиз!(243)

8.Унинг ўткирлиги ёлғиз эригагина эмас, Тошканд хотинлариға ҳам **ом** эди.(129)

9.Ўзбек ойим унча-мунча тўю азаларга “**кавшим кўчада қолган эмас**” деб бормас эди.(129)

10.Васвасаланишнинг ўрни йўқ, мундан сўнг ҳам сизнинг хайрихоҳона кенгашларингизга ҳам вужудингизга муҳтожман, **амонатим**, бошқам **мундан** кейин ҳам **она қорнида сақлагандек** сизда сақланишига ишонаман ва бунга сизнинг ҳам амин бўлишингиз керак, ота.(26)

11.Ўқуғучи албатта бу **ҳавлининг** эгаси билан таниш чиқар. Кўримсиз **чирк** босиб қорайган, жуда кўп хизмат қилиб кексайган, **очиб-ёпқанда анвоъи-турлик доди-фарёд қиладирган**, бунда саналган сифатларини бир ерга жамълаб натижа чиқарганда “**шарти кетиб парти қолган**”...(28)

12. **Танчанинг** икки биқинида икки хотин: булардан биттаси ичидан атлас **кўйнак**, устидан одими хон атлас **гуппи** кийган, бошига **оқ дакана хом** ташлаган, ўтгуз беш ёшлар чамалиқ гўзал, хушбичим бир хотин.(29)

13.-Эй-ҳа, Кумуш, ҳали иссиғинг бор,-деди.-Ўзингни **тежа** қизим, ўрнингни қалин қилиб ёт, терласанг ёришарсан, қизим. Тўйбека, Кумушнинг **чойини оқлаб берчи**.(30)

14.Унинг юзини ўпиб тушкан сув томчилари билан ариқ ҳаракатка келиб чайқалди, гўёки сув ичида **бир фитна** юз берган эди... иккинчи, учунчи қайталаб юз ювишда бу фитна **тағи** ҳам кучайди...(31)

15.”Тенг-тенги билан, тезак қопи билан” ха-ха-ха!...(33)

16.Тўйбека Кумушнинг тундланишини **эламади**:

-Эй... синглим, ҳали сен билмайсан,-деди,- у йигитни бир кўргин-да, ху деб кетабергин... сен **тугил**, шу ёшим билан **меним** ҳам унга текким келди,-деди ва хахолаб юборди.(33)

17.-**Поччамдан** дастурхонни олиб қоқиш учун гилоснинг ёнидан ўтарманми, **аллаким балога** туртиниб кетдим.(33)

18.Қутидор меҳмонларни жўнатиб ётиш учун **чешинар** экан, Офтоб ойим сўради:

-Чиройлик йигит, ақллик йигит, деб **махтий-махтий** Тўйбеканинг ичаги узилди, у ким эди?(33)

19.Бу хабарни эшитар экан, **еб тургани оғзида, юткани бўғзида** қолди:...(34)

20.Қипчоқларда ҳад бўлғаймики, биз тирик турган жойда сизнинг бир тола **мўйингизни хам** қилсинлар!(36)

21.Ҳатто баъзи кунлар хужрасидан ташқариға чиқмас, кишилар билан сўзлашмас, бошқача айтканда кундан-кунга **гўшанишинликка** яқинлашиб борар эди.(38)

22.”Отабек ёш, **ёшлар муҳаббати учар қуш**, балки бу кун-эрта унутиб ҳам юборар” каби мулоҳазаларда бўлинган эди.(38)

23.Меҳмонали Зиё шоҳичининг ташқарисига келиб кирдида, меҳмонхона даричасига қаради.(39)

24.Эрув вақтида ярим белдан лой кечишка тўғри келадирган кўчаларнинг лойи **қатқалоқланган**, шунинг учун юргучи қийналмас...(39)

25....Зиё шоҳичининг кулиб айткан сўзларига кутидор сира тушинмас ва кутилмаган меҳмонларнинг келиш сабабини сўрамоқдан **ийманар** эди.(41)

26. Зиё ака **сўз ўнқови** келганини пайқаб Ҳасаналининг жим туришиға ишорат қилди ва ўзи жавоб берди...(42)

27. **Шариъат ишига шарм йўқ**, натижада сир очиладир...(43)

28.Кутидор **тўсиндан** муддаонинг ким ва нима тўғрисида бўлганлиғини пайқаб қолди ва ўзида бир турлик ўнгғайсизлик сездиди.(42)

29.-Бу от савдоси эмас, умр савдоси **буродар**, - деди Зиё ака, **янгамиз** билан кенгашингиз...(44)

30.Уй жиҳозга ғоятда бой, гўё музахона тусини берар эди.(44)

31.**Тахмонда** турлик рангда атлас ва шоҳилардан қопланган кўрпалар, **тахмон тоқчалариға** уйилган пар ёстиқлар, қатор-қатор хитойи жононлар: косалар, кўзалар, **чинни чойдишлар**, лаганлар, кумуш кинлик ханжар ва қиличлар, қалқон ва **сипарлар**, дорга солинган турлик-турлик эр ва хотин

кийимлари: пўстин, чакмон ва бошқалар, қип-қизил гилам ва шоҳи кўрпачалар киши кўзини қамаштирар даражада эдилар.(44)

32.-Хотин, сен ҳали **эшикдаги** совчилардан хабарсиздирсан?-деди.(44)

33.Офтоб ойим эрининг “совчи” хабарини оддийгина қаршилади, чунки энди икки-уч йилдан бери уйларига кун **сайи совчилар жамоаси** ёғилиб ётқанликдан бу совчилар ҳам ўшаларнинг бирисидир, деб ўйлаган эди...(44)

34.Бу сўздан Офтоб ойим **безонглаб** тушти ва эрига қарши ризосизлик вазиятини олди:

-Мусофир-ку?!(45)

35.Бу кунги кутилмаган тун Ҳасанали отани гангиткан, унинг **кекса кўзлари** уйқу билан тамом **чаплашиб** олган эдилар.(47)

36.-Энди қандай **кенгаш** берасан, хотин?(46)

37.-Сизга **куяв ўғул** муборак бўлсин.(47)

38.Ҳасанали илжайган куйи қўлтуғидаги заррин **чопонни** олиб **санда**л устига қўйди.(48)

39.-Дунёдан **чароғчисиз** бораман...(48)

40.Кумушбиби онаси билан **бибисининг** уйидан чиқишлари ила бошини **санда**лнинг кўрпасига буркаб, ётиб олди.(50)

41.-**Қаллиғи** тўғрисида сўз очқан эдим, мен билан уришди.(50)

42.Ташқарида бир қўша созандалар дутор, танбур, ғижжак, рубоб, най ва амсоли созлар билан **дунёга жон суви сепиб** шаҳарнинг машҳур ҳофизлари ашула айтадирлар.(51)

43.Ичкарида хотинлар мажлиси: оналарча айтканда, улар **қумтупрокдек** кўб...(51)

44.Офтоб ойим қайғулироқ, **туси** бир оз синиқғансумон...(51)

45.Офтоб ойим **донхонанинг** эшигидан туриб хотинлар орасидан кимнидир ўз ёнига чақирарди.(51)

- 46.Ёши эллидан ошқан, кулгуси ичига тўлиб тошқан бир хотинни **дувурдан** чиқиб, ўзига қараб юрганини кўргандан кейин **донхонаға** кирди.(51)
- 47.-Унашилғаниға бу кун еттинчи кун,-деди Офтоб ойим,-шундан бери Кумушингиз тун ҳам йиғлайди, кун ҳам, сабабини сўрасам сира жавоб бермайдир-да **дўлонадек** кўз ёшисини оқиза берадир.(52)
- 48.Хайтовур ялиниб, **ялпоғланиб** аранг ҳаммомға юбордиқ.(52)
- 49.-Биладир-деди ойим, унинг олдида биз **жўрттаға** куявни **махташамиз**, лекин бу **махтовларни** эшитгуси келмай, қайтаға йиғисиниғина ортдирадир.(52)
- 50.-Қайғирма, Офтоб,-деди, куявинг бунчалик **сулик** бўлса, гап-сўзда тенги бўлмаса, ҳали чимилдиқда қизингнинг **печак гулдек**(чирмович ўти) бўлиб эрига чирмашқанини кўрармиз.(52)
- 51.Кумуш келгач, мажлиска руҳ киришига барча ишонадир ва **тўзимсизланиб** кутадир.(53)
- 52.Шу чоқда бизга Отабек керак эди! Нега десангиз ул келсин эди-да, суйганини бир кўрсин эди: ҳаммом билан ул... фақат жонғина сўрайдир, мажруҳ кўксларга ўққина отадир...Бошдағи оқ шоҳи рўймол, ичдағи оқ шоҳи кўйнак, устдағи оқ кумуш заррин сирилган пўстин, бағбақаларни ўраб ўпиб турған ёқа кундузларининг келишкани, солиниб тушкан қора жинггила сочларнинг бўйин теварагига чирмашқани, хом **нукра** юзларнинг бўғриққани...(54)
- 53.**Хавли** эр ва хотиндан бўш, ёлғиз қизларғағина хосланиб қолди.(54)
- 54.Кумушбиби бошлағучи қизлар билан уйга кирди, ундан **онгқан** атир ислари билан уй тўлди.(54)
- 55.Мажлисда бир хил **маъюсият**.(54)
- 56.Барибир эртага **жойсиз чеккан қайғингиздан** ўкинарсиз!-деди-да, мажлисни ост-уст кулдириб юборди.(55)
- 57.Қизларға тўйхонадан ошлар, **таванлар** келиб тортилди.(57)

- 58.Вой **шўргинангга шўрва тўкилсин**, Кумуш!-деди Гулсин,-мен шундай эрни топиб тексам бошим кўкка етар эди.(57)
- 59.Шу **йўсин** қизлар ўзларининг бир ўртоқларининг **хотинлик дунёсига** узатиб, мажлисдан тарқалишдилар.(57)
- 60.Юзлар қизил, оғиз **ирпайган**, кўзлар ўйнаб аллакимни қидирадир.(58)
- 61.”Тузик-тузик, куявликка арзигундек, **чаки чаккига** тушмапти, олмая-анор” дейишдилар.(58)
- 62.”Офтоб, даррав **исирик** ҳозирла, куявингни ёмон кўздан ўзи асрасин!” деди.(58)
- 63.Куяв келар эди: икки томонини **сириб** олган хотин-қизлар ўртасидан Отабек келар эди.(60)
- 64.Кўз ёшларини оқузиб **янгасининг** сўзига кулоқ **осмайдир**.(60)
- 65.-Кутилмаган бир бахт, деди ва ўзининг отидек бир нарсанинг **товши** каби қилиб кулиб юборди.(61)
- 66.Аммо кўзи **хаёл яширинган** йўлакда эди.(62)
- 67.Охирда кўзини катта очиб ўткан дақиқада учрашкани хаёлий гўзални истаб **хаёлланди**.(62)
- 68.Шунинг учун икки **кундаш** унинг олдиға киришдан кўрқиб, яна тўғриси унинг совуқ афтини кўришдан жирканиб ҳавлининг чет-четида юрарлар, икки кундаш **билиттифоқ** унга ўлим сўрарлар.”Қўқонда ўлса, ўлугини итлар еса биз ачинарми эдик” деярлар эди.(62)
- 69.Сўзнинг **белига тепкани** учун йигитнинг бириси **ўшшайиб** сўрағучига қаради...(63)
- 70.Йигит **оғасининг** раҳбарлиги билан ичкарига кирди: бошиға кўк салла чулғаған, эғнида ўратепанинг босмасидан чакман, белига кумуш камар боғлаб кумуш қинлик қиличини тиззасига босқан, қора танлик бўлса ҳам кўкнорими, тарякми истеъмолидан юзи сарғайган қирқ-элли ёшлар чамалик бир киши ёрликсумон бир ёзувни ўқуб ўлтирмоқда эди.(63)

71. Ошиб тушишнинг сира **ўнқови** йўқ. Бу ишқални кўрган Қаландаровнинг **тарбузи қўлтуғидан тушиб** “беш оқтани қайтариш уволку?!” деди(241)

72.Гўё **ухламоқчи бўлган товукдек** хурпайиб олди.(130)

73.**Оқ сутимни оққа, кўк сутимни кўкка соғдим...** Энди Тошкандга келмасин ул ўзбошимча бетиюқ!” деб бақириб-чақириб, йиғлаб-сихтаб, **дарду ҳасратни бошига кийиб олди.**(130)

74.Тошканддан уйланса **сув қуйғандек тинар**-қолар; Марғилон балосини эсидан ҳам чиқарар...- дейдир.(132)

75.Аммо Юсуфбек ҳожи хотинининг сўзини бу гал ҳам **эламайдир**, фақат “Қўябер, хотин, ўзи соғ бўлса, бир кун эсини топар”, деб қўядир.(132)

76.**Еган оғиз уялар** қабилидан Ўзбек ойим ҳам муомалани қудаларча қилди, ҳатто: “Бек отангиз билан мен **сўзни бир жойга қўйдиқ.**(133)

77.Бу **имқўқни** Отабек пайқамаган бўлса ҳам лекин анув гапни аниқ шу мажлисда очилишига кўзи етиб, чиқиб кетишнинг иложини қилолмади.(134)

78.Бир йиллардан бери ичига йиғиб келган **кинасини** тўкиб берди.(135)

79.-**Билган топиб сўзлар, билмаган қопиб**, деганларидек онангнинг айтмакчи бўлган сўзи фақат шу эди. **Бояғи** гаплари бўлса ўз ҳаққини ҳимоя йўлида унинг **пописаларигина** бўлиб, мендан ҳам кўра онангнинг феълини ўзинг яхши биласан...(136)

80.Ўзбек ойимнинг бўлса оладирған келинига **эътимоди** юқорилиғидан ўйлаб-негиб турмади...(137)

81.Отнинг бошини ўз ихтиёрига қўйған, илгаригидек юрак ошиқишлари ичида отни тез юришка қистамай **сувга тушкан нондек** бўкиб-бўшашиб, юз хил совуқ, ярамас хаёллар қўлида эзилиб, ўзининг дунёда борми-йўқлигига ҳам тушинмай кета берадир.(138)

82.Унинг фикри анув қоронғуликлар ичида сузса ҳам кўзи **чечак** ва **сабзалар** томошасида, димоғи ҳидлар **истишмомида**, қулоғи қушлар нағмасида бўладир.(139)

83.Отини **ахтаҳонаға** боғлаб, совға-салом тўлдириб келган ипак хуржинини кўтариб ичкарига кирди.(140)

84. Офтоб ойим боши янчилган илондек тўлғанди:

-Қизим устига кундаш?!(145)

85.Қутидор **қафаска** **янги солинган қушдек** уринмакка олган хотинини босмоқ бўлди:...(145)

86.Қутидор тамоман **тўнни тескари кийиб олган** хотиниға қараб бошини қашиб олди:...(146)

87.Бу сўз Офтоб ойимни бир оз ўйлатиб қўйди.Лекин ҳали ҳам **оёқ узатмаган эди**.(147)

88.-Ҳеч ким айтмаган бўлса ҳам сиз ораға тушманг дейман, ўз **оёғингизга ўзингиз болта қўйманг**, дейман.(146)

89.-**Пичоқни ўзингга ур, оғримаса бошқаға**, деган бир гап бор...(146)

90.Хуфтан намозидан сўнг янгиланган ташвишларни бир оз унутдирар умиди ила **пойчароғ** ёниға ўлтуриб, Фузулий девонини варақлар эди.(150)

91.Ул **қушлар каби латиф товуш чиқармаслик** қилиб гилам устидан юриб кедди-да, секингина шамъ ёниға-Отабек қаршисиға ўлтурди.(150)

92.-Фузулий яхши китоб,-деди Кумуш,-мен ҳам ёлғиз қолган кезларимда бу китобдан **бошимни ололмас** эдим, **сизамми?**(151)

93.-Хоннинг қўйини боқиш учун, қовоқларни белга тақиш учун; чойингдан бер-чи , **хўвари!** (153)

94.Эрмакчиларнинг куткани ҳам фақат унинг **ёши мишиғиға**, **мишиғи** тупугига қўшилиб йиғлаши эди.(153)

95.Қовоқни юлиб қочқан томдан келиб суфанинг устидаги **сўрига** қовоқни осди ва ўзи тушиб девонанинг ёниға келди...(153)

96.-Дадам мусаллас қовоқ, ойим мош қовоқ, мен бел қовоқ...- деди.(153)

97. **Махбуба** ортиқча бир эҳтиёт ва эътибор билан белга- бошқа йўлдошлари ёнига тугилди.(153)

98.Девона белбоғининг туғунига **азтаҳидил** ёпишқани ҳолда:

-Ўғирламадим, тентак, ҳожи поччангни тўйидан олдим, жинни!- деди.(154)

99.Эсинг кетибди, жинни... **Юсуфбе** ҳожинг-чи.(154)

100.-Бўлмаса **чарларни** кутмагин-да, югира қол,деди Ўзбек ойим,- марғилонлиқнинг **ўкчангдан** урғанлиғи аниқ экан.(156)

101.-**Кўз очиб кўргани?**-деди Ўзбек ойим ва истехзоланиб кулди.(163)

102.- Тўғрисини индалло сўзласам, деди ва қийналиб тўхтади, **ҳар бир гулнинг иси ўз йўлига**.(163)

103. **Сандек соқоли узун, ақли қисқадан кенгаш** сўраб ўлтурған мен ҳам ахмоқ!(163)

104.-Бўлди-бўлди...**тузингни ичиб, тузлиғингга тупурганни худой кўтарсин**, деди.(163)

105.Билъакс сиз: **ҳийлакор бир тулки, оғзи қон бир бўри, раҳмсиз бир жаллод**, уятсиз бир йигит! (165)

106.”Ортиқ ўйлама, қизим...Эсингдан чиқар, энди хафа **бўғанинг** билан сира фойдаси йўқ”, дер эди.(172)

107.Битта тоқчадағи чети учкан, **қони қочқан** уч-тўрт пиёла ва бир қора қумғони, иккинчи тоқчадағи **умрида ювиниб кўрмаган** қора мис баркашни, бўш қозиклар **кўнгли учун осилған** биттагина кир дастурхонни тилга олиш билан бу ҳавлининг бутун жиҳоз амлоки рўзғорини ёзиб чиқилған бўлинур, бурчакдағи тоқчада қаттиқ нон **мужиб** ўлтурғучи сичқонни кўрсатиб ўтилмаса, бу уйда бошқа **жонлиқ зот** кўринмас эди.(175)

108.Тутунлар билан айвон деганимиз **қоб-қора ис**, айвон бўлганига онд ичмакда.(174)

109.Уйнинг ярмиси куруқ ер-қаро **шиб**дан иборат бўлса-да, аммо тўрида **чақич** боғлаб йилтирамакда бўлган – кир, юлдуз каби илма тешук жафокаш **оқ кийиз**, ҳам **тахмон**даги эски сандиқ устига йиғиб қўюлган бир тўда пахтаси чиқган увадалар кўрпа – ёстик отини ўз устиларига олур эдилар.(175)

110.-**Эшигини** топа олдингизми?.(176)

111....Жаннат опа қўлидаги чилимни олиб такир-тукир қилиб пишитди ва ши-ғ-ғ-ғ этдириб **сархонани** синдириб юборар даражада ичига тортғач, оғзидан чиқган паға-паға тутунлар орасида чилимни Содиққа узатиб, Жаннат опага деди...(180)

112.Илгари гал ёздириб берганимдек ўз режамизга мувофиқлаб Отабек тилидан яна бирини **ўмартириб** бераман.(180)

113.Бу сўздан сўнг Ҳомид устидаги юкни отқандек **сўлиш** олиб қўйган эди.(181)

114.-**Устакам-ку!**-деди. Онаси нари-бери **даканасини** тузатиб ўрнидан турди.(196)

115. Узоқ вақт **кесак каби ҳаракатсиз қолғач**, куч орқасида тилимни **базур** шу сўзга ҳаракатлантирдим:...(199)

116.Бу сўз билан ўлганни устига **чиқиб тепилгандек** бўлдим.(199)

117.Чиқғач, **оёғи куйган товукдек** тўрт томонга югура бошладим.(199)

118.Лекин бутун туни билан **тиканга ағнаган каби** азобланар эдим ва сустлигим учун ўз-ўзимни сўқар эдим...(199)

119.Уста Алим ҳикоясини бир ерга еткузгач, шамънинг **сўхтасини микрозилади**....(199)

120.Ўн беш дақиқалардан сўнг ичига **ел қамалган пуфакдек** уффф этиб юборғач, ўрнидан турди.(188)

121.Ул уйқуға кетар экан, юраги **болаларини учуриб кеткан каррукнинг уясидек** бўм-бўш эди.(203)

122.Кундан-кунга ишим кейин кетиб, ишлаганим рўзғорга **учурвоқ** ҳам бўлмай бошлади.(202)

123.Чунки ул Отабекдаги бу ҳолларнинг сиррини билгандек, муҳаббати орасиға **чўб** бўлиб тушкан кейинги уйланиши алаmidан деб қарор қўйган эди.(204)

124.Ниҳоят кута-кута уйқуси танг қилғач, ўрнига чўзилиб **кипрагини кипрагига** улаб ётди ва ухлаб кетканини ўзи ҳам сезмай қолди.(206)

125.Орадан номаълум бир муддат ўтиб дарбозанинг **сўнақайсиз** тақиллашидан чўчиб уйғонди ва йўлакка югурди.(206)

126.Отабекнинг кутилмаганда бу янглиғ ярамас кўчаларга кириб кетишига ҳеч бир турлик маъно бералмай боши қотса ҳам, аммо унинг кўз ўнгидан **игнага зўрлаб тикилган ип** нарига кетмас эди.(206)

127. Отабекнинг бу ҳоли Ҳасаналининг **ничка** юрагига қаттиғ таъсир эткан ва ўйлаб қўйган насиғатларни унутиб, бекзодани бу оғир ҳолдан қутқазिश фикригагина тушкан эди.(206)

128.Агар ўз **кайфингиздан** кечсангиз яхши билингизким, бир эмас икки жонни азобдан қутқарган бўласиз, онажон!-деди.(205)

129.-Ўғлим, сизга шу **шайтони ишнинг** нима зарурати бор.(206)

130....Хомиднинг совчиси бошқа совчиларнинг муқаддимаси, **ёз бошида келатурган қалдирғочларнинг** йўлбошчиси эди.(208)

131.Куз кунларининг **оёғи** ва қиш кунларининг боши эди.(209)

132.Дарахтлардаги сариқ барглар тўкилиб тугалган, ер юзи ўзининг **сариқ кийимини** кийган эди.

133.Ул меҳмонхонаға киргандан сўнг ҳам терсайиб **тоқчалардан** недир ахтарғандек **юрина** бошлади.(210)

134.Кўз ёшини дув-дув тўкиб, хатни ўз тахиға солди ва ўзидан жавоб кутиб турган **ачаси** билан онасиға деди:...(211)

135.”Олти йилдан бери туғмайсан, кўрсатмаган товупинг қолмади.(357)

136.-Тузик,-деди Зайнаб,-лекин ҳар қадамда унинг ҳузурини бузаман, **бир чўқитиб ўн қаратаман**.(361)

137.Зайнабнинг битмас хусумати эса ғолибо маним **икки қатлиғим** ошкор бўлган кундан бошланди.(363)

138.Улар масжиддан шомни ўқиб киргач, ичкаридан Ойбодок **кечлик** олиб чиқди.(366)

139.Сўзлашмасдангина лагандан бир мунча **чўқиған** бўлдилар-да, қўл артишдилар.(366)

140.Ҳожи **ёнчиғини** кавлай бериб “алҳамдулиллоҳ” деб қўйди”.(366)

141.**Тана бузоқнинг турқи туқғаниға тамға** деганларидек, албатта менга равшан... аразчи десангиз ҳам шу, ичи қоралиқ десангиз ҳам шунда...(348)

142.Зайнаб бўлса худонинг яратқан **махлуқи**; уруш ва араз деган гапни билмайдир.(348)

143.-Нега ишонмайман, фақат **қозонимдағини** сизга сузиб қўйдим...(348)

144.Марғилон деган юртдан **от-отлаб, туя қўмлаб кел эмиш-да**, бир ойғина ткрмай кет эмиш! (146)

145.-Шунинг учунки қудачангиз келинсиз қоламан деб ораға тушадир, аммо мен шу ерда бўлсам, албатта **тилига калтак келадир**.(346)

146.Офтоб ойим ҳамон **оёқ узатмади**, қизиға ялиниб кўрди...(346)

147.-Сўзингиз ерда қоладир, **був Офтоб**, бир оз андиша ҳам лозим,- деди ва Кумушка юзини ўгирди, уят эмасми, келин? **Кеча келдинг сурилиб, бу кун кеткин бурилиб.**(347)

148.-Икки юзламалиғингиз ва тил тегида тил сақлағанингиз ҳам арзимайдими?(341)

149.Отабекнинг аланглаб жавоб бериши Зайнабнинг бояғи даъвосини чинга чиқаргандек бўлиб, Кумуш жуда ҳам **тўнини тескари кийди** ва юзини четка бурди.(341)

150.Зайнаб ҳам кундаш юрагини **ун қилғучи ел тегирмонини** тўхтатмоққа мажбур бўлди.(340)

151.Адимини санаб босиш, бир **чўқиб саккиз ёққа қараш** каби эҳтиётларга таълимотсизоқ ўрганиб қолган, бунинг устига бир хил ўнгғайсизлиғи ҳам йўқ эмас эди...(339)

152.Кумуш **моддий ҳаётидан айрилган жонивордек** бўшашди.

153.Зайнаб **оёғи олти, қўли етти** бўлган ҳолда эрини тўрт қават кўрпача устига ўтқузиб,ёнига учта пар ёстикни уйди.(338)

154.Гапка **темирчилик** яхши эмас!(337)

155.Узоққа қараб тургандан кейин ўзига ҳам сездирмаслик қилиб энтикди, яна уч-тўрт **қатим** тортди.(337)

156.”-Эгасини **сийлаган итига суяк ташлар**, қилмоқчисиз-да , баракалла!”-дедим(293)

157.Бас, сиз билан мен фақат у ёрдам сўрағандагина **кетман** кўтарамиз, бошқа дахлимиз йўқ!” дедим.(293)

158.Титралиб ва тўлқунланиб айтилган бу сўзлар Отабекни ўқинтирди, ўлганни устига **чиқиб тепиш** қабилидан бўлган ўз хужумининг ҳақсиз эканига тушунди.(291)

159.**Мановисини** танимайман ва лекин ўзи қипчоқ бўлса керак...(288)

160.-Бас, деди Отабек, Ҳасанали ҳикоядан тўхтади, чунки бекнинг **юраги эзилиб оқиш даражасига** етиб, Али Отабек билан хайрлашмасданоқ қочқан эди...(289)

161.-Акангиз **йигитмиди?** –Йўқ мерган эди.(287)

162.**Корсон**даги қимиз тугаб, шўрва ҳам ичилди.(287)

163.Икки кундан бери куюш бетини қоплаб, турлик ерларга **жон суви сепиш** ила чарчаган баҳор булутлари бурчак –бурчакка тарқалиб борар эдилар.(284)

164.Уяларидан чиқиши биланоқ чумчуқлар чирқиллашиб, **мучичалар** ку-кулашдилар.(284)

165.Ул **ичи кирсиз**, серкулки, очиқгина бир йигит бўлиб, бек билан гўё кўп йиллардан бери бўлган танишларча муомала қилар эди.(285)

166.Ўзбек ойим бўғирсоқ қовиртириш, талқон туйдириш, **тўқоч** ёпдириш билан машғул бўлди.(349)

167.Офтоб ойим эридан ҳам **қўлини ювиб қўлтуғига урган** эди.(350)

168.**Икки оёғимизни бир этукка тиқишимиз** уятка ўхшайдир”(350)

169.Офтоб ойим шу йўсин ҳар тарафдан ҳам умидсизланиб, **менгавсираб** қолди.(350)

170.Зайнабнинг бир ярим қарич осилиб кеткан **қовоқ-дудоғига** истехзоланиб томоша қилар эди.(350)

171.Кундашингнинг кўриниши **баёвга** ўхшаса ҳам, аммо ўзи писмиқ экан...(351)

172.Хушрўйнинг ҳаракати енгил ва лавзи тез эди, Зайнаб **лоппос** ва ўнта сўзга аранг битта жавоб қайтарадирган эди.(353)

173.Отабек арава орқасига **нарвонча** чиқариб қўйди.(352)

174.-Худойга топширдим, Кумуш, **қазом** етиб кўралмай ўлсам, мендан рози бўл!(352)

175.Яхши боринг, **оппоқ ойи!**(352)

176.Аммо Зайнаб онаси билан **янгаси** Ҳанифа бир жойга отланадирган бўлсалар, “бораман, бормайман” демас, улар ҳам **йиғламаган болаға сут берилмас** қабилидан индашмасдан меҳмондорчиликка кетар эдилар.(354)

177.Мундан икки йилча бурун эри Нусратбек: “Олти йилдан бери туғмайсан, кўрсатмаган **товупинг** қолмади.(357)

178.-Албатта яхши биласан, қияди! Аммо сен ахмоқсан, **кўрпангга қараб оёқ узатишни, қарс икки қўлдан чиқишини** билмайсан!(361)

179.Ҳомиднинг **ёмонлиқ корхонаси** уста Алимнинг қўшнисиникида бўлганлиғи учун ҳеч бир тараддудсиз йўлни тўғрилаб Содиқникига солган эдики, биз мундан кейинги гапларни юқорида кўриб ўтдик.(244)

180.Саройга кирар экан ўзича: - **Ширин ўлим**,-деб қўйди.(245)

181.Кўчада ҳеч ким қолмаган, **йўл оёғи босилган** эди эса-да, ул узоққина қаршисидағи дарбоза ичларини, том устларини, **девор рахналарини** кузатди ва қаноат ҳосил этиб тор кўчага оҳиста-оҳиста йўл олди.(245)

182.Ой **шом еб** яхшигина қоронғи тушкан бўлса ҳам майдон ичининг дарахтсизлиги учун тиккайган **чўб** ҳам ажратурлиқ эди.(246)

183.Том шувоғиға лой олинган **зовур** шекиллиқ ўринни кечаги...(246)

184.-Озғина қолғандир, деб ўйлайман, негаки, **пахсанинг** энидан бир газ чамаси жой очилган!(247)

185.-Жон ва оилангиз душмани бўлган бир бадбахт энди ўз қилмишининг жазосини кўрди, буродарим Отабек уларнинг **тотиқларини** хўб боблаб берди, деди уста Алим...(258)

186.**Кампирнинг дарди** ғўзада, **сичқоннинг кўзи** донлик кўзада, деганларидек, бизнинг Ўзбек оймизининг ҳам дарди бўзада эди.(301)

187.**Сўз уринди, сўздан сўз чиқди**, ниҳоят ҳожининг кутканидек ўғул ҳасрати ҳам бошланди...(301)

188.Шунинг учун ўз тарафидан Ўзбек ойим **тушкурни** яхшилаб **эбка** олмоқ, юз қизарадирган ишларга қарши чораларни кўрмак фикрига тушди.(301)

189.-Менга қара, хотин,-деди ҳожи жиддий тусда. Ўзбек ойим қаради.-**Ўринсиз чирансанг, белинг синадир**, дейди тожиклар.(302)

190.Марғилонлиқ келин билан сенинг бизга ҳеч бир фарқларинг йўқ, икавларинг ҳам боламизнинг **қўшоғи**-боламизсиз! (306)

191.Отабек гўё **тоғ остида** қолган эди.(307)

192.-Йўқ, деди Ўзбек ойим, **ош эгаси билан ширин**.(309)

193.Аммо ўз уйини бўшатдириб, гилам солиб қўйганига энди уч кунлаб бор, қудаларнинг зиёфати учун керак бўлган ҳамма нарсаларни ҳам ҳозирлатқан, улар келиб тушди дегунча, бўғизлатиш учун, деб бир **ғўнон** қўйни оғилнинг устунига **қантаттириб** қўйган эди.(308)

194.Юсуфбек ҳожи бошида **оқ тўпписи** ва эғнида **оқ олача тўни** билан устидан белини боғлаган эди.(309)

195.Ҳа айланай қуда, **қарс икки қўлдан чиқадир**, деганлар...**Бузоқ** яхши бўлса, **икки онани ҳам эмар экан**...(310)

196.-Марғилондан етиб келгунча ҳам **жуда бир ерга** еткандирсизлар?(313)

197.Натижада эрса сўзи-сўз, кенгаши-кенгаш бўлганлар шу уч-тўртта **калла бузарлар** бўлиб, бизга ўхшаганларнинг даражамиз ёш боладек алданиш экан...(318)

198.Шу вақт **тахмонга** осилган **кирпўш** ўз-ўзидан қимирлагандек бўлди.(322)

199.-Мен топдим, хах шайтон!-деди Карима отин,-**қизил гулнинг ҳам ўз олдиға, оқ гулнинг ҳам ўз олдиға иси бор**, демакчи!(325)

200.Сизларни **чурук** латтага тугиб, **тоқчаға** ташлаш даражасига еткан эдим.(325)

201.**Золнинг** тўрида, кичкина **ҳалдор** бир эшикча ёнида, атлас кўрпача устида ўн беш ёшлар чамалиқ, қизил **духобадан** кийинган кўркам бир ўғлон палов еб турар эди.(68)

202.Отабек **бир кўйнакни ўзидан бурун йирткан** киши тўғрисида гўё ўз саргузаштининг эски тарихини мулоҳаза қила бошлаган, қаршисида ўлтурғучини-да, қайин ота эшигидан қувланган киши деб билган эди.(191)

203.-Меҳмонхонада ётабериб нима қиласан ичкарига кириб ёт!- деб **жекирди**. Лекин ўғли энди илгариги Отабек эмас эди, онасининг **жекируғига** қулоқ солмади-да, қайтадан ўрнини ёзиб бошлади.(204)

204.Ниҳоят кута-кута уйқуси **танг** қилғач, ўрнига чўзилиб **кипрагини кипрагига** улаб ётди ва ухлаб кетганини ўзи ҳам сезмай қолди.(206)

205.Масжид **манорасидан руҳоният** ёғдириб мунглик азон **товши** эшитилди-да, уйқу қучоғида ётқан табиъат уйғониб жавоб берган каби **жонғираб** кетди.(222)

206.**Илон чаққан кишидек довдир** ва бесаранжом кўзлари билан теваракка бежо-бежо назар ташлар эди.(222)

207.Уста Алим таажжуб ичида яна бир **қат** уни кузатиб чиқди:

-**Тунадингиз?**

-**Кўбдан бери бир тунасам**, деган хаёлим бор эди.(223)

208.-Тўғрисини айтингиз-чи, уста, нима учун **устакор** билан аччиғлашдингиз?(225)

209.Зайнабнинг ҳасадини кўзғатмас учун Отабек билан муомалада қилган эҳтиётлари заррача фойда бермаганига ҳайрон, энди қайси йўсунда **миросани** созлаш йўлларини ўйлар эди.(334)

210.-Ўзимиз жуда **чўллаб** келган эдик, шунинг учун кечирдик.(316)

211.**Корсондаги** қимиз тугаб , шўрва ҳам ичилди.(287)

212.-Ундоғ бўлса, устидан буни ичиб юборинг, деди кулиб, бир **заранг** қимиз узатди.(287)

213.Уйга бориб кечки ошни ҳам емади ва отасига ҳам учрашмади, гўё шу йиртқишлар дунёсидан яширингандек **оқ кундаёқ** тўшагига ётиб, кўрпасига бурканиб олди.(289)

214.Шунинг учун сўзимни ўзимнинг охирғи, ҳам чин **бахт ислари** ҳидлаган тарихимдан бошлайман.(299)

215.Ўн олтинчи кун меҳмон оёғи **товсилланиб**, Ўзбе к ойим Сорабек ойимға ўзларининг боришларидан хабар юборди ва Ҳасаналига аравани кўшмоққа буюрди.(332)

216.Чорламаган жойга бориш учун сенинг **кафшинг** кўчада қолган эмас,-деди.(333)

217.Худайчи жўнағач, кўрғон бегининг **пайтавасига қурт тушиб**, типирчилаб қолди ва у ёқдан-бу ёққа югира бошлади.(81)

218.-Ҳой кўрғон устидаги азаматлар! Ҳозир бўлингиз, **ясов** тортингиз, бек келадирлар! (81)

219.Унинг орқасидан қора отға отланиб, зангори **мовутдан уқалик тўн** кийган, кумуш камарнинг ўнг томониға қилич, сўлиға **тўфангча** қистирган, бошиға барра попоқ кийиб, жин ялаган деганларидек қошсиз, қорамтил юзлик, икки чакагининг устида бир оз, иягида бир оз сийрак, кўримсиз қора соқоллик, кўзлари ичига ботикроғ, аммо қон қуйилгансумон бир киши келар эди.(82)

220.Кўрғон бегининг кўрсатишича кимга уч танга пул, кимга **адрас чопон** улашилиб бошланди.(83)

221.-Кўрғон бегига **кимхоб тўн**, юзбошиларға атлас чопон, бошқа йигитларга уч тангадан пул инъом берилсин.(83)

223.Илгарироқ мен уларнинг гапига **бовар** қилмай юрсам ҳам сўнггидан тўғри сўзни айтканларини билдим. Дарҳақиқат **мозористонда** “ҳаййя алал-фалаҳ” хитобини ким ҳам эшитар эди. (18)

224.Истикбол қайғуси тушига ҳам кирмаган бу Туркистон оталари Отабекнинг **даруни дилдан** чиқариб айткан гапларидан ҳиссасиз қолмадилар.(18)

225.Ҳалиги қимирлаған **кирпўш** бирдан очилиб кетиб Отабек **сўчиди...**(322)

226.Энди кўрсам **милтиқнинг ўқидек, пушти гулнинг тўқидек** келиним бор экан...(325)

227.-Мен топдим, хах шайтон!-деди Карима отин,-**қизил гулнинг ҳам ўз олдиға иси бор**, демакчи! (325)

228.-Қимиз киргузиб қайин онангнинг оғзини ҳўлламағанингда **нах** болоға қолиб эдинг, болам. (324)

229.-Кумушой бўлса, сен эримни яширғансан, деб Зайнабнинг **энгка-тенгкасини** чиқарди.(324)

230.-Икки ўртада **дум қидириб қулоқдан ҳам ажралған** пучук ойимнинг ҳоли ҳам худонинг тақдири.(328)

231.-Давлати бўлса ҳам ўзи **тери** намойиш эди...Киши давлат учун **ерга теккандан ерга тексин...**

232.Эгасини **сийлаған итига суяк ташлар**, қабилидан қизлари туфайли билан кутидор ва Офтоб ойимлар ҳам жуда яхши иззат кўрар эдилар.(332)

233.Кумуш **моддий ҳаётидан айрилған жонивордек** бўшашди.(338)

234.**Хўрак** ораси Отабек Зайнабдан сўраб, Кумушнинг ухлаб ётқанини билди. **Томоқдан** кейин Отабек ҳам бир оз ухлаб олиш учун ётди.(340)

235.Аммо Отабек Кумушнинг **тўсиндан** ўзгариб кеткан характер қатъиятига ва бир кундаёқ бунчалик масофани ўткан кескинликка жуда таажжубда, қаршисидағининг суратида эмас сийратида қизиқ бир ўзгариш кўрар эди.(342)

236.**Хуфтан** намозидан сўнг янгиланган ташвишларни бир оз унутдирар умиди ила **пойчароғ** ёнига ўлтуриб, Фузулий девонини варақлар эди.(150)

237.Ул шу вақт **тўсиндан** китобни ёпди-да, айвонга қулоқ солди.(150)

238.

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш.Мавзунинг долзарблиги.....2-5

1.БОБ

1.1.Адабиётлар таҳлили.....6-15

1.2.Бадиий асарлар тилидаги шевага хос сўзларнинг ўрганилиши..16-25

11.БОБ

2.1.”Ўткан кунлар” романидаги мақолларда шевага хос сўзлар.....26-32

2.2.А.Қодирий романларида диалектизмларнинг ўрганилиш
тарихи.....33-44

2.3.Халқ тилининг қудрати чексиз.....44-46

111.БОБ

Она тили фанини ўқитишда диалектизмларнинг аҳамияти.....47-51

Хулоса.....52-56

Адабиётлар рўйхати.....57-58

Илова.....59-78